Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◎ № 75 (7. 164) ◎ 1990 йил 2 апрель, душанба ◎ Баҳоси 3 тийин

Тонгги газеталарда

⊙ СССР Президентининг Литва ССРдаги вазият муносабати билан Литва ССР халқига ҳамда Литва ССР Олий Советига мурожаатларни эълон қилинган.

⊙ СССР Президентининг шунингдек, СССР Олий Советига мактуби берилган. Унда «Хотин-қизларнинг аҳволини яхшилаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилани мустаҳкамлашга доир кечиктириб бўлмайдиган тадбирлар тўғрисида»ги қарорни биринчи навбатда кўриб чиқиш ва қабул қилиш таклиф этилади.

⊙ «Қонун баҳсда туғилади» — СССР Олий Советининг ўтган ҳафтадаги мажлисларн ҳақидаги мақола ана шундай номланган.

⊙ «Правда» газетасининг учинчи саҳифасидаги «Лавозими: СССР Олий Советининг Раиси» сарлавҳали мақолада рўзнома саволларига А. И. Лукьянов жавоб беради.

⊙ Мамлакатимиз ҳаётига доир янгиликлар, чет эллардан олинган телеграммалар, маданият хабарлари берилган.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлиси тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

31 март куни ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси ўз ишини давом эттирди. Мажлисни Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси М. И. Иброҳимов олиб борди.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари доимий комиссиясининг раиси депутат Э. Ҳ. Ҳалилов «Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида»ги СССР қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар юзасидан Ўзбекистон ССР Олий Советининг таклифлари тўғрисидаги Ўзбекистон ССР Олий Советининг қарори лойиҳасига депутатларнинг таклифига биноан киритилган ўзгартишларни маълум қилди. Олий Совет ушбу қарорни қабул қилди.

Сўнгра Ўзбекистон ССР Олий судининг раиси М—Б. М. Маликов тақдим этган ва тегишли доимий комиссияда кўриб чиқилган Ўзбекистон ССР Олий суди таркибига кўрсатилган номзодлар муҳокама қилинди. Муҳокама номма-ном, принципиаллик ва масъулият вазиятида ўтди. Депутатлар республика Олий судидан ишни қонунга қатъий амал қилган ҳолда олиб боришни, гражданлар асоссиз жазоланган бирорта ҳам ҳолат бўлишига йўл қўймасликни талаб қилдилар.

Ўзбекистон ССР Олий суди раисининг биринчи ўринбосари ва суднинг бир аъзосидан ташқари янги состав тасдиқланди. Республика олий суди халқ маслаҳатчилари таркиби ҳам тасдиқланди. Областлар ва Тошкент шаҳар судларининг составлари бир қанча ўзгаришлар билан тасдиқланди.

Депутат Ж. Ҳамидов Ўзбекистон ССР Давлат гимнини ўзгартириш зарурлиги тўғрисидаги ахборот билан чиқди. Депутатлар республика Давлат гимнининг матни ва мусиқасини ўзгартириш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишни тегишли доимий комиссияларга топширишга ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг навбатдаги сессиясида узилкесил қарор қабул қилишга келишиб олдилар.

Республика Министрлар Советининг доклади юзасидан Ўзбекистон ССР Олий Совети қарорини ишлаб чиқувчи таҳрир комиссиясининг раиси Э. Т. Шайхов қарор лойиҳасига депутатлар нутқларида билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олиб киритилган қўшимчаларни маълум қилди. Муҳокамадан кейин Олий Совет ушбу қарорни қабул қилди.

Сессияда Конституцион назорат комиссияси тўғрисида, айрим гражданларнинг имтиёзлари масалалари билан шуғулланувчи комиссия тўғрисидаги қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳақида қарорлар қабул қилинди.

Депутат Н. В. Рябов республикадан ташқарига жўнаб кетиши муносабати билан депутатлик ваколотларини ўзидан соқит қилиши тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилди. Олий Совет бу илтимосни қондирди, 248-Наманган сайлов округида қайта сайлов ўтказишга қарор қилинди.

Депутат А. Б. Емельянов Чернобиль авариясидан азият чеккан белоруссиялик бир гуруҳ болаларни дам олиш ва соғломлаштириш учун республиканинг пионер лагерларида жойлаштириш тўғрисидаги таклиф билан Ўзбекистон ССР халқ депутатларига мурожаат қилди. Бу таклиф қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси М. И. Иброҳимов ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессиясини якунлади.

Шу билан сессия ўз ишини тамомлади.



⊙ ФАХРЛИ КАСБ ЭГАСИ. Тошкент шаҳар қурилиш Бош бошқармаси 12-трести 50-қурилиш бошқармасининг монтажчиси Фарҳод Нажмиддинов. Т. Каримов сурати.

Ажойиб қурилма

Тошкент шаҳар телефон алоқаси ва радификация бирлашмаси Тошкент алоқа институти ҳамда Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг ихтисослаштирилган лойиҳа-конструкторлик бюроси билан ҳамкорликда ажойиб автомат қурилма яратди. Бу туфайли ҳамшаҳарларимиз телефонда фақатгина шаҳримиз бўйлаб эмас, балки бошқа ерлар билан ҳам алоқа боғлаш имкониятига эга бўлдилар. Универсал таксофоннинг дастлабки намунаси шаҳар телефон алоқаси ва радификация бирлашмаси базасида ишлаб чиқилди.

— Янгиликнинг қулайлиги шундаки, уни кўчага ҳам, биноларнинг ичига ҳам ўрнатиш мумкин, — дейди бирлашма бош инженери Н. Султонов. — Ана шундай қурилманинг икки нусхаси эндиликда Тошкент аэропорти биносида синаб кўрилмоқда. Дастлабки натижалар янги телефон-автоматнинг ҳар томонлама аҳоли эҳтиёжига зарурлигини тасдиқламоқда. Тажриба икки ой давом этади. У муваффақиятли синовдан ўтгач, шаҳримизнинг бошқа жойларида ҳам универсал телефон-автоматлар пайдо бўлади.

Тошкентда яшовчи аҳоли ва бу ерга ташриф буюрган меҳмонлар маҳаллий тармоқда абонент билан боғланиш учун икки тийинлик тангани ташлаб зарур номерни терадилар. Шаҳарлараро телефон алоқаси ўрнатиш учун эса 15 тийинлик тангадан фойдаланилади. Ўз вақтида 8 рақами терилиб, узлуксиз товуш эшитилгандан сўнг керакли шаҳарнинг коди ва зарур телефон номери терилади. Рақамлар тўғри териб бўлингандан сўнг орадан 30—40 секунд ўтгач, керакли номер абонентни чақира бошлайди. У ёқдан жавоб бўлгач, ўртадаги тугмачани босиш керак. Агар суҳбат кўпроқ давом этадиган бўлса, универсал телефон-автоматга узлуксиз 15 тийинлик танга ташлаб туриш зарур. Шаҳарлараро телефон алоқасига чиқиш учун зарур кодларни «009» справка хизматидан эрталаб соат 8.00 дан кечки 21.00 гача олиш мумкин. Қолган вақтларда 44-39-31 номерига мурожаат қилинади.

Янги телефон-автоматнинг лойиҳасини Тошкент алоқа институтининг кафедра мудири Э. Аллаев бошчилигидаги жамоа олиб борди. Конструкцияларни йиғиш Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг ихтисослаштирилган лойиҳа-конструкторлик бюросининг бошлиғи Б. Рахлин бошчилигида амалга оширилди. Шаҳар телефон алоқаси ва радификация бирлашмаси мутахассислари эса янги қурилмадан фойдаланишни йўлга қўйдилар.

А. РАҲМОНОВ.

Партия турмуши: ҳисобот ва сайловлар

ВАФОСИ БИЛАН ВАЪДА

Сир эмас, жуда кўпчилик ҳолларда йиғилишларда ана шу ҳақда гап боради. Ўзни ҳеч ўйлайдиган ишонч оқланмай, уларнинг умидлари рўёбга чиқдими? Партия ташкилотининг котиби коммунистлар ишонч билдирган кезда қандай ваъда берди, уни кейинчалик қандай адо этди — бу ҳозирги пайтда давом этаётган ҳисобот-сайлов йиғилишларининг марказий масалаларидан бирига айланди. КПСС XXVIII съезди олдидан ўзига хос ишлар кўриги бўлган бу йиғилишларда коммунистлар ўзаро талабчанликни оширмоқдалар, партиянинг обрўсини ва демакки бошланғич партия ташкилотининг обрўсини ошириш учун нималар қилиш зарурлигига эътиборни қаратмоқдалар. Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлигининг «Узавтотранстехника» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида ҳам гап асосан партия ташкилотининг янги шароитлардаги иш услубларини такомиллаштириш, ўтган бир ярим йил ичида партия ташкилотида амалга оширилган ишлар, ўзгаришларни қайта чуқур таҳлил этишга, мавжуд нуқсонларга қандай қилиб тезроқ барҳам бериш йўлларига қаратилди. Партия ташкилотининг котиби В. П. Кислицининг маърузасида ҳам, нотиқларнинг сўзларида ҳам жуда кўп нарсалар тилга олинди. Энг аввало шуни айтиб ўтиш керакки, барча ташкилий-сиёсий ва бошқа тадбирлар бу ерда ишлаб чиқариш кўрсаткичларини янада яхшилашга қаратилди. Ўтган йили бирлашманинг илмий-тадқиқотчилик ва лойиҳа-конструкторлик фаолиятида сезиларли ўсиш бўлди. Бу борадаги топшириқлар 2,4 фоизга ошириб бажарилди. 18 та долзарб мавзу бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди. Ишлаб чиқаришнинг кўпгина соҳаларидаги ўсиш-ўзгаришлар кўзни қувонтиради. Ҳар бир бўлимнинг ишига баҳо берилди, йўл қўйилган камчиликлар тилга олиб ўтилди. Масалан, 3-бўлим жамоаси ўз олдига қўйилган вазифаларни уддалай олмади. 10-бўлим иши ҳам кўнгилдагидек бўлмади. Хўш, бунинг сабаби нимада? Бунинг сабаби шундаки, деб таъкидлашди сўзга чиққайлар. 3-бўлимнинг партия группаси ишлаб чиқариш режаларининг муваффақиятли бажарилишига коммунистларни сафарбар этолмади, бу борада аниқ тадбирлар ишлаб чиқмади. Йиғилишда ҳар бир ана шундай ҳол атрофлича таҳлил этилди, бунинг сабаблари очиб ташланди.

Бирлашмадаги аҳвол ҳақида умумий сўз бормасдан, балки ҳар қайси бўлим ва уларда иш олиб бораётган партия группалари фаолияти атрофлича таҳлил этилгани бизни қаноатлантирди. Масалан, Н. Валихонов, Г. А. Степаненко, Қ. Ҳамдамов, Ш. Шоруставов, сингари коммунистлар етакчилик қилаётган партия группалари фаолияти синчиклаб таҳлил этилди. Бу коммунистларнинг кўпчилиги ўз бурчларини виждонан бажаришаётган бўлса-да, ҳали ҳамма партия группалари ташкилотчилари ҳам бўлим жамоаси ишига самарали таъсир кўрсатди дейиш қийин. Гап фаолликни ошириш ҳақида бормоқда. Кўпинча коммунистлар ўз ишлаб чиқариш топшириқларинигина бажариш билан машғул бўлиб қоладилар-ки, ҳозирги мураккаб босқичда коммунистнинг бурчи нимадан иборат эканлигини гоҳо эсларидан чиқариб қўядилар. Ахир, коммунист жамоа кўзи ўнгида иш олиб боради, унинг қандайлиги уларга беш қўлдек аён. Жамоа улардан ибрат олгиси келади. Аммо сир эмас, биргина мусобақани олиб кўрсак, айрим коммунистларнинг унинг ортида судралиб юрганлигини кўриш таажжубланарлидир. Бирлашмада бўлимлар ўртасида ўзаро мусобақа яхши ташкил этилди. Аммо, дейишди коммунистлар, бўлим ичидаги бўлимчалар ўртасида, ҳар бир ишчи-хизматчи ўртасида ҳам ўзаро мусобақани пухта йўлга қўйиш муваффақиятлар гаровидир. Ўтган йили социалистик мусобақа тўғрисидаги Низом ишлаб чиқилиб, такомиллаштирилди. Аввалари фақат иш натижаларигагина баҳо берилган бўлса, ҳозир масалан 7-бўлим ишлаб чиққан янги Низомга кўра кўп нарсалар ҳам ҳисобга олинадиган бўлди.

Бугунги кунда фақат ишлаб чиқариш кўрсаткичларигина партия ташкилоти фаолиятининг кўзгуси бўлолмайди, албатта. Унинг фаолият доираси анча кенг бўлмоғи керак. Ҳисобот маърузасида партия бюросининг ўтган давр ичида олиб борган ишига аниқ баҳо берилди. Тўғри, партия бюроси коммунистларнинг Устав талабларини қандай бажараётганликларини тўғрисидаги ҳисоботларини тинглаб борди. Ижрочилик интизомини ошириш, қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши учун масъулият ҳисси анча ошди. Бироқ йиғилишда партия бюроси ишидаги жиддий нуқсон ва камчиликлар ҳам рўй-рост очиб ташланди. Масалан, партия бюроси маҳсулот сифатини оширишга ҳисобот даврида етарлича эътибор берди деб бўлмайди. Маълумки, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, партия комиссиялари, халқ назорати ва бошқа жамоат ташкилотларининг фаол ҳаракатсиз партия бюроси ўз олдига қўйилган юксак вазифаларни бажаришга тўла қодир бўлолмайди. Энг аввало партия бюроси ана шу ташкилотларга амалий ёрдам кўрсатмоғи лозим. Хўш, бирлашмада шундай бўлдими? Тўғри, партия бюроси мафкуравий ишларни, сиёсий ва ижтисодий ўқувни, лекция ва семинарлар ўтказишни мунтазам ўз диққат-марказида тутди. Аммо касаба союз, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотлари, меҳнат жамоаси кенгаши ҳисобот даврида ҳар қайсиси ўз ҳолича иш олиб боргани сир эмас-ку. Барча цех партия ташкилотлари ва партия группалари ҳам ташкилий-партиявий ишларни етарлича савияда олиб борди, деб бўладими? Қолаверса, КПСС аъзолари ўртасида доимий топшириқларни бир маромда тақсимлашга ҳам эришилмади.

Буларнинг бош сабаби нимада? Энг аввало шундаки, партия бюросининг котиби В. П. Кислицин бирлашмада ташкилий-партиявий ишларни тубдан яхшилаш бўйича ўзига берилган ваколатдан тўла фойдалана олмади. Қолаверса, партия бюроси аъзоларининг ҳаммаси ҳам бутун куч-ғайратларини ишга солди деёлмаймиз.

Бирлашма партия ташкилоти ҳисобида 66 коммунист бор. Бу катта куч. Уларнинг мутлақ кўпчилиги ўз бурчларини ва жамоат ишларини ҳалол, виждонан адо этмоқдалар, бу борада ўз кучлари ва вақтларини аямаётирлар. Бирлашма жамоасининг ўз олдига қўйган вазифаларни муваффақиятли адо этишида бу коммунистларнинг сафарбар этувчилик ўрни катта. Тўғри, ҳали беш қўл баравар эмас. Аммо бирлашмадаги бугунги муҳитни ўз бурчини унутаёзган бир-икки нафар коммунист эмас, балки Н. К. Саидов, А. В. Горелкин, Б. К. Калугин, А. Ю. Алимов, Э. А. Асатов, Н. М. Бутько, Г. А. Степаненко сингари сиёсий фаол, ишнинг кўзини биладиган, меҳнатсевар коммунистлар барпо этмоқдалар. Аммо мақсад ҳар бир коммунистнинг меҳнат ва жамоат фаоллигини оширишдан иборат. Хўш, бунга қандай қилиб эришмоқ мумкин?

Коммунистлар энг аввало бунинг учун бирлашма партия ташкилотининг котибини алмаштиришга қарор қилдилар. Шундай қилиб, 23 йилдан бери бирлашма партия бюросининг аъзоси (кўп йиллар котиби), Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветеранлари кенгашининг раиси, корхона «Билим» жамияти ташкилотининг раиси бўлиб ишлаётган ажойиб ташкилотчи ва катта-кичикнинг меҳрини қозонган, улар билан ҳар қандай вазиятда ҳам оқилона мулоқот қила оладиган, бирлашма иши учун фидойи коммунист Анвар Алимов бирлашма партия ташкилотининг котиби этиб сайланди. Шуниси қувончлики, 9 кишидан иборат бюронинг янги аъзоларини сайлашда ёшларга катта ишонч билдирилди. Йиғилиш тўла ошкоралик руҳида ўтди.

Ҳ. ИКРОМОВ.



⊙ МЕҲНАТКАШ ИККИ ДУГОНА. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмасининг эҳтиёт қисмларни комплектлаш бўйича инженери Мавлуда Аҳмедова ва бош механик бўлими бюро бошлиғи Туйғуной Сафиева. Дугоналар жамоат ишларида фаол қатнашадилар. М. Нуриддинов сурати.

Об-ҳаво ва саломатлик

2 апрелдан 8 апрелгача

Ўзбекистон ССР об-ҳавони кузатиш марказининг маълумотларига кўра шу ҳафтанинг биринчи ярмида ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғади, момақалдироқ бўлади. Момақалдироқ бўлган пайтларда ғарбдан эсадиган шамолнинг тезлиги секундига 15—20 метргача кучаяди. Кечаси ҳарорат 6—11 даражадан 1—6 даражагача пасаяди.

Ҳафтанинг иккинчи ярмида осмонда булут кам бўлади, айтарлик ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат қайтадан, 8—10 даражага кўтарилади. Ҳафтанинг ўртача ҳарорати кўп йиллик нормага яқин бўлиши кутилади.

Н. А. Семашко номидаги сиҳат-саломатликни тиклаш ва физиотерапия илмий-тадқиқот институти тиббий об-ҳаво маълумотлари ва об-ҳаво таъсирининг олдини олиш марказ мутахассисларининг маълумотларига қараганда, ҳафтанинг биринчи ярмида совуқ ҳаво оқимининг кириб келиши натижасида ҳароратнинг пасайиши, атмосфера босимининг кўтарилиши, ҳавода кислород таркибининг кўпайиши, булут босиши ва ёғингарчилик нохуш иқлимга хос таъсир ўтказиши мумкин.

Бундай иқлим шароитлари юракнинг ишемик хасталиги, бош мия қон томирлари ва яллиғланиш хасталикларн бўлган об-ҳаво ўзгаришларига таъсирчан беморларга салбий реакция бериши мумкин. Улар асабийлашишлари, уйқусизлик, бош оғриғи, бош айланишидан қийналишлари эҳтимоли бор. Шунингдек, беморлар шикаста ички органларида оғриқ сезишлари, нафас олишда қийналишлари мумкин. Қон босими бўлган беморларнинг артериал қон босими, бош мия қон томирлари босими кўтарилиши мумкин.

Юрак-қон томир хасталиклари бўлган об-ҳаво ўзгаришларига таъсирчан беморлар ноҳуш оқибатларнинг олдини олиш мақсадида даволовчи шифокорларнинг тавсияси билан қон босимини мўътадиллаштирувчи дори-дармонларни қабул қилишлари, қон босимини вақти-вақти билан ўлчаб туришлари лозим.

Бўғинлар ва ташқи асаб системаси хасталикларн бўлган беморларга тегишли комбинацияларда оғриқни қолдирувчи дори-дармонларни қабул қилиш тавсия этилади. Ана шу гуруҳдаги беморлар жисмоний зўриқишларни, физиотерапевтик муолажаларни чеклашлари лозим. Ана шу шартларга риоя қилиш организмнинг об-ҳаво таъсирига қаршилик қобилиятн кучайишига хизмат қилади.

Яхшиликлар Воқеалар Хушхабарлар

Қурувчилар уйи

⊙ ҲАМЗА районининг «Қурувчи» кўчасида 2-уйсозлик комбинати биноқорлари учун 126 хонадонли 9 қаватли турар жой биноси қуриб битказилди. Мазкур комбинатга қарашли бу уйга 2-пардозлаш бошқармаси жамоаси жило берди.

Д. АЪЛОЕВ.

Бири-биридан кўркам

⊙ «ҒАЛАБАНИНГ 40 йиллиги» даҳасида замонавий турар жой биноси фойдаланишга тахт қилиб қўйилди. 58 квартирали 12 қаватли бўлган бу уйни 3-қурилиш бошқармасининг Эргаш Ҳасанов бошлиқ комплекс бригадаси қурувчилари барпо этдилар. Прораб Геннадий Цойнинг айтишича ҳозир 600 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. 31-бошқармаиинг пардозловчилари эса бу ерда пардозлаш ишларини амалга оширдилар. Ҳозир ана шу даҳада бири-биридан кўркам ўндан ортиқ турар жой бинолари қад кўтармоқда.

О. АБДУРАҲМОНОВ.

Тозалаш воситаси

⊙ ТОШКЕНТ кимёвий ювиш воситаларн тайёрлаш корхонасида икки хил янги маҳсулот савдо пештахталаридан жой олди. Булар кир ювиш воситаси бўлиб, мато танламайди. Сунъий ва пахта, ҳатто жундан тайёрланган матоларни ҳам зарарсизлантирмай тез ва тоза ювади. Иккинчиси «Чистоль» кукуни бўлиб, аввалгиларидан кескин фарқ қилади. Бу билан ювилган ванна жиҳозлари ялтироқлигини ошириб, ундаги эмаль қопламани мустаҳкамлайди. Шунингдек, турли доғлар, зангланган эмалланган буюмларни осон кетказади. Корхона жамоаси бу тур маҳсулотлардан кўплаб ишлаб чиқаришга киришди.

Д. МУРОДОВ.

Чинни жаранги

⊙ ТОШКЕНТ чинни заводида бугун чойнак тайёрлаш линияси дастлабки маҳсулотини чиқарди. Шуниси қувончлики бу ерда асосий иш техника зиммасига юклатилган. Чойнак тайёрлаш, уни сирлаш каби ишларни автомат ва ярим автоматлар бажаради. Илгари чойнакларни сирлаш учун 7 киши банд бўлар эди.

Д. АЗИМОВ.

Изланиш меваси

⊙ ТОШКЕНТ асбобсозлик заводи жамоасининг маҳсулот турларини кўпайтириш учун тинмай изланишлари ўз самарасини берди. Корхонада қатор янги буюмлар, жумладан санитария-техника жиҳозлари термаси, автомобиллар учун эҳтиёт қисмлар тайёрлаш ўзлаштирилди.

Шунингдек бу ерда янги бўлинма ташкил этилиб «Протез» буюмлар тайёрлашга ихтисослашган. Корхонада тайёрланаётган бу маҳсулотлар касбдош корхоналардаги шу тур буюмларга нисбатан 10 баробар енгил бўлиб буюртмалар асосида тайёрланади.

Д. МУХТОРОВ.

Яна биттага кўпайди

⊙ «ТОШКЕНТ» автовокзалидан қатновчи шаҳарлараро автобус маршрути яна биттага кўпайди.

БУГУН Тошкент шаҳридаги ўқув юртларида таълим олаётган талабалар ва риштонлик меҳнаткашларнинг илтимосларига биноан Тошкентни Риштон шаҳри билан боғловчи янги автобус маршрути йўловчиларга хизмат кўрсата бошлади.

Эндиликда бу автобус хизматидан пойтахтликлар билан бирга Бағдод райони меҳнаткашлари ҳам фойдаланишади.

Ю. ҲАКИМОВ.

Эҳтиёжга мослаб

⊙ БУГУНГИ кунда йирик саноат корхоналарида аҳоли эҳтиёжига мос кенг истеъмол молларини кўплаб ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Тошкентдаги «Подъёмник» заводи жамоаси ҳам бу хил молларни етказиб беришни ўз олдига асосий вазифалардан бири қилиб қўйди.

Гап шундаки, бу йирик корхонада қатор цехларни кенгайтириш ва қайта мослаштириш ишлари бошлаб юборилди. Ана шу тадбирдан фойдаланиб, заводда янги цехларни очиш ҳам кўзда тутилди. Жумладан, алоҳида халқ истеъмоли моллари цехини ишга тушириш тараддуди кўрилмоқда. Унга бир неча замонавий дастгоҳ ва автоматик қурилмалар ўрнатилади.

С. ОДИЛОВА.

Тўла хўжалик ҳисоби: муаммо ва ечимлар

Яхши ният—ёрти мол





Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номидаги тикув ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 1-тикув фабрикаси Собир Раҳимов районида жойлашган бўлиб, бугунги кунда тўла хўжалик ҳисоби шароитида меҳнат қиляпти. Фабриканинг 7-цехи жамоаси меҳнат унумдорлигини ошириб, пешқадамлар сафидан ҳақли равишда ўрин олган. Жамоа тикувчилари асосан эркаклар костюми ва шимларини тикишади.

— Хўжалик ҳисобига ўтиб ишлаш ўзининг самарасини берянти, — дейди 7-цех бошлиғи Лариса Михайловна Панова. — Меҳнат интизоми яхшиланди. Ишчилар ўзининг ва бригаданинг якуний натижалари учун астойдил жон куйдира бошладилар. Меҳнат унумдорлигини оширишдаги яна бир омил цехдаги эскирган тикув машиналарининг алмаштирилганлиги бўлди. Янги ўрнатилган 50 та машина тикувчиларнинг оғирини енгил қилди. Бундан ташқари 11 та «Дюркоп» ярим автоматлари цехдаги унумдорликни икки баробар ошириш имконини берди. Бу автоматлар тезкорлиги билангина афзал бўлиб қолмай, ишчи кучини тежаш имконини ҳам берди. Бу хўжалик ҳисобининг дастлабки самараларидир.

Илғор цехда бу усулнинг истиқболи порлоқ. У бугунги кунда ўз маҳсулотларининг турини яхшилаб, бошқа жумҳуриятларга жўнатиш тараддудида. Тикилаётган кийим-кечакларнинг янада сифатли бўлиши эса нам ва иссиқлик билан ишлов берувчи автоматларни харид қилишга боғлиқ бўлиб қолди. Ҳозир эса маҳсулотларга эски усулда ишлов берилмоқда. «Яхши ният — ёрти мол» дейишади. Яқин кунларда меҳнат жамоасининг орзуси рўёбга чиқиб қолса ажаб эмас.

Умуман, бугун бирлашма жумладан цех ишлаб чиқараётган маҳсулотлар харидоргир бўлиб қолди. Бу ерда тикилган кийимлар илгаригидек магазин пештахталарида қалашиб ётмайди. Ўз меҳнатидан манфаатдорлик ҳам бугун одат тусига кириб боряпти. Яхши намуна кўрсатаётган ишчи ва хизматчилар бу ерда мунтазам равишда рағбатлантириб борилади. Меҳнат жамоалари ойлик план-топшириқларини ортиғи билан адо этишга муваффақ бўлишяпти.

Тикувчилардан Марҳамат Ғаниева Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланганлиги ҳам цехдагилар учун ниҳоятда қувончли воқеа бўлди. Валентина Ким эса ўтган йилги самарали иш натижалари учун Йўлдош Охунбобоев номидаги мукофот соҳиби бўлди. Барно Обидова учинчи даражали Меҳнат шуҳрати ордени билан тақдирланди.

Еттинчи цехда бугун жами 400 ишчи меҳнат қилади. Улар бешта бригадага бўлинишган. Бу ерда тикилган барча маҳсулотлар жумҳурият халқ депутати, техник назорат бўлими бригадири Муккаррам Очилова бошлиқ жамоа вакиллари қўлидан ўтади. Улар ўз ўрнида харидорларга фақат аъло сифатли кийим-бошлар юборишга астойдил улуш қўшяптилар.

Л. М. Панова эса малакали цех бошлиқларидангина бўлиб қолмай, балки Киров район Советининг депутати ҳамдир. Икки нафар депутат ва қўплаб малакали тикувчилар хизмат қилаётган ерда иш фақатгина олдинга силжиб, меҳнат унумдорлиги ой сайин ўсмоқда. Бугун инсон омилига эътибор мазкур фабрикада ҳам муҳим аҳамиятга молик соҳа бўлиб қолди. Ишчилар учун янги чойхона очилиши ҳам фикримизнинг далилидир. Қолаверса, яқинда пешқадамлардан 25 нафари кўҳна Хива шаҳрида бўлиб қайтдилар.

Х. МИРЗАКАРИМОВ.

СУРАТЛАРДА: тикувчилар Марҳамат Ғаниева, Барно Обидова, 7-цех бошлиғи Л. М. Панова илғор ишчилар З. Комилова, З. Маҳкамова ва М. Садриддинова-лар билан.

Муаллиф суратлари.



«Оқшом» учун ёзилган

СУВ... ЁҚИЛҒИ СИФАТИДА

Автомобиль... «Отсиз арава» дейишган бир замонлар уни. Янгилигида ажойиб ихтиро деб баҳоланган, кейинроқ тараққиётнинг муҳим белгисига айланиб қолган автомобиль атиги бир асрлик ривожи мобайнида атроф-муҳитни ифлослантириб, катта зарар келтира бошлади.

Ҳисоб-китобларга қараганда, битта автомобиль бир йилда 4 тоннадан ортиқ кислородни «истеъмол қилар» экан. Бу ҳам етмаганидек, бу «темир маҳлуқлар» бир йилда ҳавога 100 миллион тоннадан знёд углерод, 10 миллион тоннадан ортиқ углеводород ва азот, бир неча миллион тонна олтингугурт ҳамда миллион тоннага яқин қурум ва турли хил газлар чиқаради.

Автомашиналардан чиқаётган чиқинди газлар ҳавони ифлослантириши туфайли АҚШ йилига 11 миллиард доллар зарар кўрмоқда. Токиода бир йил мобайнида шаҳар ҳавосига чиқарилаётган заҳарли газ моддаларининг миқдори 2.000.000 тоннага етди. Англияда кўча ҳаракатини тартибга солувчи полициячилар газдан ҳимоя мосламаси кийиб олишга мажбурлар. Италия ҳукумати эса чиқинди газлар офатидан антик маданият ёдгорликларини сақлаш ташвишига тушиб қолди. Уёғини сўрасангиз, XX асрга келиб, автомат-дўконларда соф кислород сотилишини бироробир аждодимиз хаёлига келтирганмикан?

Автомобилнинг зарарли таъсирига қарши кураш дунё бўйича долзарб масала экани шубҳасиздир. Ҳозирги вақтда бутун дунё миқёсида бу зарарни камайтириш ва иложи бўлса бутқул йўқотиш учун автомобиль ёқилғисининг янги-янги хиллари устида жадал тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Хўш, олимлар бензиннинг ўрнига қандай янги ёқилғини таклиф этишмоқда? Умуман шундай ёқилғининг ўзи борми? Келинг, буни аниқлаб кўрайлик.

Бир неча йил аввал ўзбек телетомошабинлари Марказий телевидение орқали кўрсатилган «Мўъжизасиз — мўъжизалар»да қуйидаги воқеанинг гувоҳи бўлишди:

...«Москвич» автомашинаси ёқилғи олиш учун бензоколонкага келиб тўхтади. Шофёр машинасидан тушиб «сув» деб ёзилган колонна олдига келди. У шошмасдан жўмракни бураги ва бензин бакини сув билан тўлдира бошлади. Шофёр машинасини ўт олдирди ва яна келган томонига қараб ғизиллаб кетди...

«Социалистическая индустрия» («Рабочая трибуна») газетасининг Боннда ги мухбири В. Кузнецов хабар қилади:

Испаниялик инженер Артуро Эксеевес автомобиль сув билан юришини намойиш этди. Синов Мадрид телевидениеси орқали кўрсатиб турилди. 10 миллион телетомошабин тажриба гувоҳи бўлишди. Ихтирочи ўз тажрибасини уларнинг кўз олдида икки марта такрорлади. Синчков текширувчилар ва талабчан журналистлар томонидан ихтиро имтиҳондан муваффақиятли ўтди. Автомобилнинг чиқинди гази тоза ва ҳидсиз эди.

— Бу нима, афсунгарликми ёки кўзбоғлағичликми — деб сўрадим мен Тошкент автомобиль транспорти ва йўллари институтининг кафедра мудири, доцент, техника фанлари доктори С. Қодировдан. — Наҳотки, автомобиль сув билан юрса?

— Мен бу саволга жавоб беришдан олдин, — деди Сарвар Муқодирович, — шу масалага тааллуқли бошқа бир ажойиб ихтиро тарихини айтиб бермоқчиман. У бундан 70 йил аввал бўлганлигига қарамай ҳали ҳам тортишувларнинг сабабчиси бўлмоқда.

1917 йил «Эсквайр» газетасида ички ёнув двигатели учун янги ёқилғи топилганлиги тўғрисидаги маълумотлар эълон қилинди. Буни қарангки, бу янги ёқилғининг асосий таркибий қисми оддий сувдан иборат экан. Ихтиро муаллифи португалиялик Хуан Андрэс эди. Бу ажойиб кашфиёт газетхонлар орасида шов-шувга айланди. Двигателнинг чиқинди гази тоза, рангсиз, ҳидсиз эди.

Кўпгина телетомошабинлар «Мўъжизасиз — мўъжизалар» кўрсатувининг чинлигига ишонқирамай қараганликлари турган гап. Ҳақиқатан мўъжизалар бўлмайди.

«Бу ажойиб «Москвич» машинасини Украина ССР Фанлар академиясининг машинасозлик муаммолари институти мутахассислари СССР Фанлар академиясининг илмий ходимлари билан ҳамкорликда яратишди. Автомобилда сувни парчалаш йўли билан водород ажратиб оладиган ўзига хос реактор ўрнатилган. Бундан юз йил аввал машҳур инглиз ёзувчиси Жюль Верн ўзининг «Ўтли орол» асарида шундай деб башорат этган эди: «Ишончимиз комилки, сув ёқилғи ўрнини босадиган вақт келади... Унинг таркибидаги водород ҳамда кислород алоҳида-алоҳида ишлатилади. Сув — келгуси асрлар қўмиридир».

Шундай қилиб, «Москвич» машинаси реакторида алоҳида ажратиб олинган соф водород ўз навбатида корбюратор орқали цилиндрда сўрилади. У ерда ҳаво-водород аралашмаси ёниб поршенни ҳаракатлантиради. Бундан кўриниб турибдики, бу жараён бензинли двигателларнинг ишлаш принципидан ҳеч фарқ қилмайди. Хоҳлаган ички ёнув двигателини ўнғайгина «водород» двигателига ўзгартириш мумкин.

Дарвоқе, испаниялик Артуро Эксеевес ва португалиялик Хуан Андрэснинг автомобили ҳам худди шунга ўхшаш «водород» автомобили бўлиши керак. Чунки унинг чиқинди гази тоза ва ҳидсизлиги буни тасдиқлайди.

Ҳурматли оқшомхон, сизни водород ишлаб чиқарувчи реактор қандай ишлайди, деган савол қизиқтириши табиий. Унинг ишлаш усули содда. Металл (литий, магний, алюминий ва бошқалар)нинг қизиқ бир хусусияти шундан иборатки, улар сувда водородни сиқиб чиқаради. Масалан, 4 килограмм алюминий кукуни солинган реакторга 12,6 литр сув қуйилганда, 6 куб литр ёки 0,54 килограмм водород ҳосил бўлади.

Хўш, энди нима сабабдан водород айнан автомобиль учун келажак ёқилғиси деб ҳисобланмоқда, деб сўрарсиз.

Гапни унинг афзалликларидан бошлаймиз. Водород бизга маълум бўлган ёқилғилар орасида қуввати юқори бўлган ёқилғидир. Масалан, бир килограмм водород ёнганда 28.700 килокаллория иссиқлик ажралади. Бу миқдор 1 килограмм бензин ёнганда ҳосил бўладиган қувватдан 3 марта кўп. Водород алангаси бензинга қараганда 8 марта тез тарқалади. Шу сабабли унинг ўт олиши учун 15 марта кам қувват кифоя.

Муҳими, водород экологик нуқтаи назаридан мутлақо зиёнсиз, энг тоза ёқилғи ҳисобланади. Водород бензин ёки шунга ўхшаш ёқилғилар сингари ўткир ҳидга эга эмас. У одатдаги шароитда рангсиз, ҳидсиз ва таъмсиз газдир. Водород ёнганда ҳавога на заҳарли газлар, на заҳарли кимёвий бирикмалар чиқаради. Унинг ёнишидан қолган кул бу оддий сувдир. Тўғри эмасми, ҳеч ким соф сув, соф ҳавога қарши эмас.

Водород эса жуда сероб. Ҳатто табиат уни керагидан зиёд даражада яратиб қўйибди. Водороднинг ер қуррамиздаги асосий манбаларидан бири — бу океан, денгиз, дарё сувлари. Одатдаги денгиз сувининг бир тоннасида тахминан 110 килограммгача водород бор. Уни парчалаш ёки электролиз усулида водород олиш мумкин.

Водород муаммоси шу жиҳатдан қизиқарлики, ундан фойдаланиш жараёни «ёпиқ» усулда кечади, сувдан бошланиб сув билан тугайди. Хуллас, водороднинг манбаи битмас-туганмас.

Хўш, водород шундай қулай ва ҳаммабоп ёқилғи экан, нима учун ҳозир ундан кенг кўламда фойдаланилмайди? «Ҳар қандай турдаги қувватнинг камчилиги, — деб ёзган эди ҳинд олими Гоми Баба, — унинг ўзидан ҳам қиммат туради».

Бинобарин, барча афзалликлари билан бир қаторда водороднинг ҳам нуқсони бор — уни кўплаб ишлаб чиқаришнинг иқтисодий жиҳатдан самарали усули ҳанузгача топилгани йўқ.

Нафсиламбирини айтганда, сувдан ёқилғи сифатида фойдаланиш тўғрисида ҳозирча башорат қилишимиз қийин бўлса ҳам, бу ихтиро келгусида амалга ошиши мумкин. Чунки тараққиёт жараёни шуни кўрсатиб турибди. Ҳозир олимларнинг куч ва ғайратлари ана шу изланишларга қаратилган. Уларнинг меҳнати кутилган мақсадга олиб келади, деб умид қилишга асос бор. Ана ўшанда инсоният тарихида мисли кўрилмаган ёқилғи яратилган бўлади.

Шавкат ИБРОҲИМОВ,
инженер.
Тольятти шаҳри.

Уй-жой қурилиши «Оқшом» назоратида

Тадбирлар қоғозда қолмасин

⊙ Тахминий ҳисоб-китобларга қараганда, иттифоқимиздаги ёш оилаларнинг ярми алоҳида турар жойлар билан таъминланган экан, 15 фоиз оилаларга кичик оилалар ётоқхонаси ажратилган, ўн миллиондан знёд йигит-қизлар эса ёшлар ётоқхоналарида яшаяптилар.

ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА, жумладан, Тошкент шаҳридаги ётоқхоналарда ҳам юзлаб ёшлар истиқомат қилишади. Аксарият оилалар эса ижарада туришади. Шу боисдан алоҳида уйларга эга бўлиш бугун кўплаб оилаларнинг орзуси. Шунинг учун бўлса керак, бундан 3—4 йил илгари шаҳарда ташкил этилган ёшларнинг махсус уй-жой уюшмасига кўплар катта умид боғлаб, ўзларини аъзоликка қабул қилишларини сўраб аризалар ёза бошладилар. Аризаларнинг сони қисқа фурсатда бир неча юзни ташкил қилди.

Ташкилотчилар ўз олдиларига ҳайрли вазифани қўйишганди. Улар ёшларнинг ўз қўллари билан ёш оилалар учун уй-жой майдонларини барпо этишни кўзлагандилар. Бугун энг муҳим ҳисобланган бу муаммони ҳал қилишда ёшларнинг ишдан бўш вақтларида ёки корхона раҳбарларининг рухсати билан маълум муддатда қурилишларда ишлашлари ҳақиқий амалий қадам эмасми?

Ҳозирги пайтда шаҳримизнинг Фрунзе, Октябрь, Собир Раҳимов районида ёшлар учун уй-жой қурилиши уюшмалари ишлаб турибди. Киров районида эса «Ҳамкорлик» жамоаси ўз фаолиятини бошлади.

Фрунзе районидаги уюшма аъзоларининг фаолиятини бугун бошқаларга намуна қилиб кўрсатиш мумкин. Мазкур жамоа қурилиш муаммоларини бошқаларга нисбатан бирмунча тезкорлик билан бартараф этишга эришяпти. Ҳозиргача ёшлар учта бино қурилишини ниҳоясига етказишди.

Лекин ҳар бир бинони қуришга рухсат олишу, кейинчалик амалий иш бошлашнинг ўзи бўлмаяпти. Буни меъморчилик ва шаҳарсозлик Бош бошқармаси, лойиҳа институтлари, қолаверса, қурилиш ташкилотлари яхши тушунишади. Лекин нима учундир улар амалий ишга келганда сансалорлик қилишади. Бу борада ишлар ниҳоятда секинлик билан олдинга силжиётганининг асосий сабаби ҳам ана шунда.

Биргина Сергели районининг ёшлар учун бинолар қурилишида 250 нафардан знёд йигит-қиз иштирок этиши мумкин эди. Лекин фақатгина ер ажратиш масаласининг ҳал бўлишига тўққиз ойдан знёд вақт кетди. Ёшлар уюшмасининг низомига, махсус қонун-қоидаларига кўра корхона директорлари ўз ишчиларини объект молиявий жиҳатдан таъминлана бошланганидан кейингина ишга юборишади. Молиявий таъминот эса лойиҳа тайёр бўлганидан кейингина бошланади. Лойиҳачилар техник шарт-шароитлар яратилгандан кейин ишга киришадилар. Техник шарт-шароитлар-чи? Улар ер майдони ажратилгандан сўнггина яратилиши мумкин. Хуллас, иш бошлаш учун шундай расмиятчилик босқичларини ўташ керак. Хўш, ёшлар бундай мураккаб маъмурий занжирларни қандай қилиб енгиб ўтишсин?

Шу ўринда юқорида мақтаб тилга олганимиз «Фрунзечи» ёшлар уюшмаси аъзолари бундай тўсиқларни қайси йўл билан бартараф этишганини билиш қизиқарлидир. Гап шундаки, мазкур жамоа аъзоларининг асосий қисми Тошкент шаҳар қурилиш Бош бошқармасига қарашли 159-трестда меҳнат қилишади. Қурувчи йигит ва қизларга ўзлари меҳнат қилаётган ташкилот яқиндан ёрдам беряпти.

— Хуллас, ҳали ёшлар уюшмаларида кўп ишлар қилинганлиги билан мақтаниб бўлмайди, — дейди шаҳар ёшлар турар жой уюшмасининг директори Сергей Иванович Булдаков. — Лекин дастлабки қадамлар қувончли. Бу йилги режаларимиз. «Фрунзечи» ёшлар уюшмасининг 100 хонадондан иборат 2 та турар жой биносини фойдаланишга топшириш. Ёшлар енг шимариб, ишга шай бўлиб туришибди. Раҳбарлар қурилиш маҳсулотларининг танқислигини рўкач қилавермасликлари учун турли саноат корхоналарида ҳам комсомол вакиллари ишлаб туришибди. Собир Раҳимов районидаги ёшлар турар жой уюшмаси аъзолари ғишт заводида меҳнат қилиб, бўлажак уйларининг таъминотини яхшилашга ҳаракат қиляптилар. Октябрь район вакиллари темир-бетон маҳсулотлари заводида, фрунзечи ёшлар эса ёғочга ишлов бериш заводида тер тўкишяпти.

Агар мутасадди раҳбарлар ёшларга уй-жой биноларини барпо этишларига кўмаклашишса, иш бугунгидан самаралироқ бўларди. Аслида бугун ўз уйини ўз қўллари билан қуришга бел боглаган ёшлар кўпчиликни ташкил қиладилар. Лекин турли расмиятчилик бу ишга тўсқинлик қиляпти. Ҳолбуки Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети томонидан ёшлар уюшмалари ишларини ташкил этишга ёрдам бериш ҳақида махсус қарор қабул қилинган, бунга мутасадди раҳбарлар тайинланган эди. Лекин жойларда қоғоздаги тадбирлардан нарига ўтилмаяпти.

Айни пайтда ёшлар учун уй-жой муаммоси ниҳоятда кескин масалалардан бири бўлиб турибди. Уй-жой олиш учун навбат пойлаётганларнинг сафи камаймаяпти. 1989 йил ҳам ҳамшаҳарларимизни кўп қувонтиролмади. Турар жой қурилишига ажратилган 909,1 минг сўмлик маблағ тўла ўзлаштирилмади. Шундай бир пайтда ўзлари бино қуришга иштиёқманд ёшларга ёрдам қўлини чўзмаслик тўғримми? Ахир, ёшлар турар жой уюшмаси барпо этилса, ўнлаб ёш оилалар алоҳида ҳонадонларга эга бўлишлари ва табиийки, навбат кутаётганларнинг сони ҳам бирмунча қисқариши мумкин-ку!

В. МАДИМАРОВА.

Хориждан хабарлар

⊙ БОННДА ГФР, ГДР, Франция, Буюк Британия, СССР ва АҚШ экспертларининг учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда немис бирлигини барпо этишнинг ташқи жиҳатлари тўғрисида музокаралар ўтказиш билан боғлиқ тартиб масалалари муҳокама қилинди.

Учрашув якунларига доир эълон қилинган қўшма баёнотда таъкидланишича, учрашув қатнашчилари олти давлат ташқи ишлар министрлари Оттавада ишлаб чиққан мандатга мувофиқ дастлабки музокараларни ўтказадилар. Оттавада ишлаб чиқилган механизм доирасида бўлажак музокаралар кун тартиби ҳусусида жиддий фикрлашиб олинди. Томонлар Польшанинг чегараларига дахлдор масалалар муҳокама қилинган тақдирда Польша таклиф этилади, деган яқдил фикр билдирдилар.

Экспертлар даражасидаги бўлажак учрашувлар навбатма навбат ГФР ва ГДРда ўтказилиши тўғрисида аҳдлашувга эришилди. Олти давлат экспертлари даражасидаги навбатдаги музокаралар ГДРнинг янги ҳукумати тузилиши биланоқ дарҳол Берлинда ўтказилади, деб таъкидланади ҳужжатда.

«Олтилар»нинг биринчи учрашуви айнан ҳозирги вақтда ўтказилаётганлигининг ўзи ҳам унинг ижобий натижасидир, деб ҳисобласа мумкин, деди ТАСС мухбири билан суҳбатда Совет делегациясининг раҳбари, СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари А. Л. Адамишин. Унда асосан бундан буёнги ишларни ташкил этиш муаммолари муҳокама қилинди. Барча масалалар муҳокамаси яхши, амалий муҳитда ўтди. «Олтилар» ўзлари билан чекланиб қолмаётганликлари муҳимдир. Агар чегаралар тўғрисида гап борса — бу айниқса ижтифоқчимиз ва қўшнимиз Польша республикасига кўпроқ дахлдордир, Польша у ёки бу шаклда музокараларда қатнашади. Буни ҳам ҳали келишиб олиш зарур.

ГФР ташқи ишлар министри Г. Д. Геншер ГФР, ГДР, СССР, АҚШ, Буюк Британия ва Франция делегациялари раҳбарларини қабул қилди ва Германияни бирлаштириш ташқи жиҳатларига доир Боннда бошланган туркум музокараларнинг қатнашчиларини бу анжуманни Оттавада «Очиқ осмон» мавзусига бағишлаб ўтказилган конференцияга монанд амалий руҳда ўтказишга даъват этди. Бу руҳ ҳозирги кунда Европанинг барча жойларида ҳис этилмоқда, деди министр.

Мазкур музокараларда ГФР ҳукуматининг мақсади шундан иборатки, деб таъкидлади у, немис бирлиги барпо этилишининг ташқи жиҳатлари Европа бирлашуви жараёни ва барча Европа давлатлари хавфсизлиги талаблари билан уйғун тарзда йўлга солиниши керак. Биз немислар тақдири бутун Европа тақдири билан бевосита боғлиқ ҳолда ҳал этилишини истаймиз. Шунинг учун ҳам «икки қўшув тўрт» формуласига мувофиқ музокараларнинг қатнашчилари Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашида қатнашувчи 35 давлат раҳбарларига Хельсинки якунловчи ҳужжати ва ҳамма учун мақбул принципларга тўла мувофиқ бўлган натижаларни тақдим этишларини истардик. Бу давлатлар учрашуви шу йил ўтиши керак.

⊙ ПАРИЖ. Германияни бирлаштириш жараёнига ёндашувни ишлаб чиқиш чоғида биз Польша, Чехословакия, Венгрия, Совет Иттифоқи манфаатларини эътиборга олиш тўғрисида ўйлашимиз керак. Германия социал-демократик партияси раисининг ўринбосари Оскар Лафонтен бу ерда ана шуни маълум қилди. У Франция президенти Франсуа Миттеран уни қабул қилганидан сўнг журналистлар ҳузурида сўзга чиқди. Германияни бирлаштириш истиқболлари билан боғлиқ муаммолар суҳбатдошлар диққат марказида бўлди. О. Лафонтен таъкидлаганидек, бунда улар барча масалаларда, шу жумладан Одер-Нейс чегарасига муносабат, Европа интеграцияси билан Германия бирлашуви жараёнларининг ўзаро алоқаси сингари масалаларда қарашлари муштараклигини қайд этдилар.

О. Лафонтен ГФРнинг Польша билан ҳамкорлигини, шу жумладан ҳарбий соҳадаги интеграцияни ривожлантиришни ёқлаб чиқди. У хусусан, ҳозир мавжуд бўлган шу каби Франция-Ғарбий Германия бўлинмаси намунасига кўра Ғарбий Германия—Польша Қўшма бригадасини тузиш тўғрисидаги таклифни ўртага қўйди. Унинг фикрича, бундай қадам икки мамлакат ўртасидаги яраш рамзига айланиб, ГФР «ўзи билан қўшни мамлакатлар манфаатларини эътиборга олаётганини» кўрсатган бўлур эди.

Германиянинг бирлашуви билан боғлиқ кўпгина муҳим масалаларни фақат иккала немис давлати ўртасидагина ҳал этиб бўлмайди, деб уқтирди, О. Лафонтен. «Бу масалалар халқаро ҳамкорлик йўлларида ҳал этилиши зарур ва бу Европадаги қўшниларимизга ҳам тааллуқли эканлиги равшандир».

⊙ АММОН. Фаластин Озодлик Ташкилоти ижроия комитетининг аъзоси Ясир Абд Раббо АҚШ сенатининг резолюциясини халқаро қонунчиликнинг жиддий бузилиши деб баҳолади. Ушбу ҳужжатга мувофиқ «Қуддус Исроил давлатининг пойтахти ва шундай бўлиб қолиши керак». Якшанба куни Иордания пойтахтига расмий ташриф буюрган Ясир Абд Раббо бу ерга келиши билан шундай деди: ушбу ҳужжат БМТ Хавфсизлик Кенгашининг тегишли резолюцияларига ниҳоятда зиддир. Мазкур муаммо юзасидан араб давлатлари тутган йўл ва жаҳон жамоатчилигининг фикри инкор қилинган резолюция, деб таъкидлади Я. Раббо, ўз моҳияти билан «Буюк Исроил» давлатини тузиш учун курашаётган сионист «қузғунлар»нинг қарашларига тўла-тўкис мувофиқ келади.

Иордания парламенти депутатлар палатасининг раиси Сулаймон Арар ушбу резолюцияни арабларнинг ҳуқуқларига берилган яна бир зарба сифатида таърифлади. Унинг сўзларига қараганда, мазкур ҳужжат фаластин халқига қарши фитналар занжирининг бир бўғини бўлди ва Қўшма Штатлар сенати сионист корчалонлар назорати остида эканлигини яна бир марта тасдиқлади.

Депутатлар палатаси ташқи ишлар комитетининг раиси Тоҳир Ал Масрий АҚШ сенати Араб давлатларига қарши душманларча ҳатти-ҳаракат қилганлигини ва бу Қуддус мақомини ўзгартиришга унинг биринчи марта уриниши эмаслигини таъкидлади.

⊙ ҚУВАЙТ. Қувайт ҳукумати АҚШ сенати Қуддусни «Исроил пойтахти» деб тан олинган резолюция қабул қилганлиги муносабати билан жиддий ташвиш ва ҳавотирлик билдирди. Ҳукуматнинг якшанба куни ўтказилган мажлисида қабул қилинган баёнотда ушбу ҳужжат Яқин Шарқда тинчликни ўрнатиш йўлида сарфланаётган кучгайратларга жиддий зарба бериши ҳамда жаҳон, араб ва ислом дунёси жамоатчилик фикрига қарши дагдага эканлиги кўрсатиб ўтилади. Қувайт ҳукумати жаҳон ҳамжамиятини регионда тинчлик жараёни барбод бўлишига йўл қўймаслик учун барча зарур чораларни кўришга чақирди.



⊙ АҚШ. Аэронавтика ва космик фазони тадқиқ этиш миллий бошқармаси (НАСА) кўп марта фойдаланиладиган космик кемаларнинг қатор экспедициялари тайинланганлигини хабар қилди. Ушбу кема 1991 йилнинг охири ва 1991 йилнинг бошларида беш маротаба парвоз қилади.

«Дискавери» космик кемасининг 1991 йил июнь ойига мўлжалланган парвози экипаж аъзоларини танлаш давом этмоқда. Уларнинг орасида биринчи қора танли аёл-фазогир, врач Мэй Жемисон ҳам бор (суратда).

АП—ТАСС сурати.

Тил тўғрисидаги Қонун—амалда

КУРАШИШ, ФАОЛИЯТ КЎРСАТИШ ЗАРУР



А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти директори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Бахтиёр НАЗАРОВ билан суҳбат

— Бахтиёр ака, 1989 йили она тилимизга Давлат тили мақоми берилди. Бу Қонунни тайёрлашда сиз ҳам иштирок этдингиз. У халқ кўнглидагидек бўлишига эришиш осон бўлмаган, албатта...

— Тил ҳақидаги Қонуннинг қабул қилиниши жумҳуриятимиз ҳаётининг муҳим ҳодисаларидан бири бўлди. Уни тайёрлашда меҳнаткашлардан тушган минглаб таклиф ва маслаҳатларга суянди-ик. Шу маънода Қонуннинг асл муаллифи халқимиздир, десак ҳолисанилло гапни айтган бўламиз.

—Қонун қабул қилинди. Лекин, асосийси унинг изчил ҳаётга тадбиқ этилишидир. Бу соҳада нима ишлар қилиняпти? Ҳозирча фақат Атамалар бўлимлари тузилганлигидан боҳабармиз. Бу бўлимлар ишини нимадан бошлаш керак, деб ўйлайсиз? Муштарийларимиз ўз мактубларида Сағбон, Шайхонтоҳур даҳалари тарихий номлари бора-бора унутилиб кетаётганлигидан шикоят қилишади. Назаримда шу каби даҳа ва мавзеларнинг номини сақлаб қолишга етарли эътибор берилмаяпти. Бу ишда ҳалиям ўзбилармончилик борга ўхшайди. Масалан, Куйбишев районида янги барпо этилган «Ясний», деган даҳа бор...

— Жой номларига, тарихий номларга янгича муносабат масаласи айримлар ўйлаганидек, шунчаки, бекорчиликдан келиб чиқаётган иш ёхуд миллий маҳдудликнинг кўриниши эмас. Агар ким шундай ўйласа, қаттиқ янглишади. Бу нарса тарихий адолат туйғуларига, миллий маданият ва миллий ғурур тушунчаларига боғланганки, унга бефарқ қараш мумкин эмаслиги ўз-ўзидан маълум.

Республика Министрлар Совети қошида Атамалар комитети ташкил этилди. У ҳозирги мўлжалларга кўра бизнинг Тил ва адабиёт институтимиз базасида фаолият олиб боради. Бу ташкилотнинг зиммасида ниҳоятда масъулиятли вазифалар турибди. Маълумки, тил бойлиги ва маданияти халқ маданияти, миллат маданияти, тафаккури даражасининг белгиларидан биридир. Атамалар комитети тилимизда ҳозир ниҳоятда жадал суръатлар билан рўй бераётган атама (термин) ишлатишдаги турли-туманчиликни илмий равишда тартиб-интизомга солиб турувчи ташкилот бўлади. Тил шундай бир ҳақиқатки, унинг ёзилмаган ва ҳеч қачон ёзилмовчи қонунлари бўлиши мумкин. Айтайлик, у ёки бу матбуот органига, у ёки бу кишига ёхуд муаллимга сен нутқингда бу сўзни қўлламагин-у мана бу сўзни қўлла деб буйруқ ёки кўрсатма бериш ўзи бўладиган нарса эмас. Бунинг устига тил айрим кишилар, идоралар томонидан эмас, халқ томонидан бошқариладиган жараён эканини эсласак, атамалар масаласи билан шуғулланиш осон эмаслиги янада ойдинлашади.

Бу йўналишда ҳозир айрим ташкилий ва амалий ишлар бошланди. Республика маданият фонди ҳамда Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети қошида атамалар бўлимлари ташкил этилди. Бу жуда хайрли иш. Бироқ, асосий вазифа энди уларнинг фаолиятини жонлантиришда.

Тарихий номлар тикланмоғи зарур. Масалан, Хадра, Чорсу, Эски Жўва, Тахтапул ёки сиз айтган Сағбон, Шайхонтоҳур сингари даҳа ва мавзеларни эслайлик. Бу жойларнинг номларини асл ҳолда тиклашгина эмас, ҳатто уларнинг луғавий маъноси, келиб чиқиши, тарихи, халқи, улуғ, мўътабар, ҳурматли кишилари ҳақида маълумот берувчи алоҳида-алоҳида оммабоп рисолалар ёзилса қандай яхши бўларди. Ёки маҳалла жонкуярлари ташаббуси ва кучи билан шундай мавзеларнинг бирор-бир кўринарли ерида унинг тарихини акс эттирувчи шинамгина музейчалар ташкил этилса, маърифий ва маданий аҳамиятга эга иш бўлмасмиди? Узоқдагилар майли, ҳатто, айтайлик, маҳалланинг ўзида яшовчиларнинг ҳаммаси ҳам, масалан, Тахтапул сўзининг луғавий маъносини билишмайди.

Рўзнома ва жаридалар Атамалар бўлимини ташкил этиб жуда тўғри иш қилишяпти. Назаримда бу бўлимлар ўз ишларини шундай бошлашса ёмон бўлмасди: яъни, тилимизда ҳозир фаол ишлатилаётган атамаларни эълон қилиб, муштарийлардан халқ тилидаги, турли шевалардаги маъноси жиҳатидан муқобил, айнан ёки яқин келувчи сўзларни ёзиб юборишлари сўралса. Ёки масалан, тилимизга кириб, ўзлашиб қолган атамасўзлар бор. Уларни ўзгартиш зарурати борми-йўқми? Шулар ҳақида мутахассисларнинг, кенг жамоатчиликнинг фикри сўралса. Ўйлайманки, халқимиз бу мулоқотга бажонидил киришади.

— Шаҳримиздаги баъзи кўчаларнинг номини ўқиб ҳайрон қоласан киши. Вокзальная, Парашютная, Прямая... Ахир атасак арзийдиган номлар кўпку? Наҳотки бунга ўша пайтларда етарли эътибор беришмаган?

— Ҳайрон қолишингиз мен учун ҳам тушунарли. Бироқ энди ҳайрон қолишдан кўра кўпроқ курашиш, фаолият кўрсатиш керак. Журналистлар бу ишга катта ҳисса қўшишлари мумкин.

Масалан, «Тошкент оқшоми» рўзномаси пойтахтдаги кўчалар, жой номлари, тарихий номлар масаласида тартиб ўрнатиш ишларини бошлаб юбориши мумкин-ку! Бу борада муштарийларнинг таклифларию, танбеҳларини ёритавериш билан иш битмайди, албатта. Бу ҳам керак, лекин энг асосийси, газетхонларнинг таклифлари асосида, уларга суяниб туриб, шаҳар ижроия комитети ва унинг топонимия комиссияси ёрдами билан бу ишни кунма-кун, ойма-ой амалий суратда ҳал этиб борилса, газетанинг ўзи бошлаган ташаббуси натижаларидан ўз ўқувчиларини хабардор этиб турилса, айни муддао бўлур эди. Ана шундагина боя сиз айтган Парашютная, Прямая, Вокзальная деган сўзлар ўрнини хоҳ тарихий бўлсин, хоҳ замонавий гўзал ва дилбар номлар эгаллаши мумкин. Тошкентнинг меъморлик жиҳатидан миллий чеҳраси деярли йўқ. Бу етмагандек шаҳримизни Ц-1 дан 10-15 гача, Қорақамиш 1,2-ю Қўйлиқ 1, 2, 3... лар босиб кетаётганини айтмайсизми. Ҳарфхўрлик ва рақамбозлик ўрнига, улар чиройли номлар билан атолишига нима етсин. Бошқа ҳеч бир халқни камситиш ниятим йўқ, лекин дилимдагини айтай: ном қўйишда дунёда ўзбек халқидек пурҳикмат ва доно халқни билмайман. Билмаслигим менинг камчилигимдир, лекин шундай.

— Тил ҳақидаги Қонун қабул қилингандан кейин ҳам баъзи жойларда мажлислар, йиғинлар эскича ҳолида ўтяпти. Дадиллик етишмаяпти, ё бошқа сабаби борми, билолмадик. Қонун амал этиши учун биринчи навбатда яна нималарга эътибор бериш зарур?

— Бу саволга ҳар ким ўзича жавоб бериши мумкин. Мен эса, шундай деғим келади: ҳозирги ошкоралик яратган шароитлардан, халқ бошқаруви ва назоратига кенг йўл, дейилган тушунчалардан фойдаланиш зарур. Яъни, вилоят партия ташкилоти, ижроия комитетидан тортиб нозирликлар, барча идоралар, колхоз-совхозлар, олий ўқув юртларию, илмий-тадқиқот институтлари, мактаблар, боғчалар, беистисно, барча муассасаларда Тил ҳақидаги қонуннинг шу аниқ ҳаётга тадбиқ этилиш юзасидан белгиланган тадбирларнинг бажарилишини назорат этиб борувчи ташаббускор гуруҳлар тузилса тўғри бўлмасмикин? Улар жамоа олдида бажарилаётган ва бажарилмаётган ишлар ҳақида, бунинг сабаблари ҳақида вақти-вақти билан ахборот бериб туришса. Бу фикр ҳеч бўлмаганда икки жиҳати билан ўзини оқлай олади, деб ўйлайман. Биринчидан, бу гуруҳлар айрим тўрахон раҳбарларга мазкур масалада совуққонлик билан, ҳафсаласизлик билан иш юритишга йўл қўймайдилар. Қонун олдидаги масъулиятни сездириб, айни вақтда шу ташкилотлардаги мавжуд қийинчиликларни, бунинг адолатли сабабларини жамоага тушунтирадилар. Шунда ўринли-ўринсиз англашилмовчиликка йўл қўйилмайди.

Она тилимизга Давлат тили мақоми берилгани ҳақидаги Қонун хусусида суҳбатлашиб ўтирибмизу, ҳозир хаёлимдан нима кечди, денг. Буларнинг ҳаммаси яхши-ку, лекин бир замонлар келиб, ё тавба, ўз она тилида, ўз она заминида эркин гаплашиш, ёзиш, маҳлис ўтказиш, ҳужжатлар юритиш учун боболаримиз шунчалар қонунлар ўйлаб чиқаришибди-я, деб ҳайрон бўлишармикин, ё хурсанд бўлишармикан ёки ёқа ушлашармикан-а?

— Мени ҳам бир масала кўп ўйлантиради. Китоб — энг катта бойлигимиз, деймиз. Фарзандларимизга асраб-авайлашни таъкидлаймиз-у, ўзимиз шунга кам амал қиламиз, чоғи. Агар дуч келган одамдан «Сизнингча қайси ресторанда ўтирган маъқул», деб сўрасангиз, уч-тўртта ҳашаматлисини тилга олади. Аммо бирор кўзга кўринган қироатхонани сўрасангиз, турган гапки, ҳамма ҳам жавоб беролмайди. Фахримиз бўлган Навоий номидаги кутубхона эса иккита жойда жойлашган: бири аввалги Ҳукумат уйида, иккинчиси Сулаймонова кўчасидаги бинода. Москва, Киев, Ленинград шаҳарларидаги кутубхона ва қироатхоналарни кўриб ҳавасингиз келади. Ахир бизнинг ҳам бой маданий тарихимиз бор-ку?! Қолаверса, Қўлёзмалар институти олдидаги майдон адабиётни тарғиб этувчи, шанба ва якшанба кунлари шеърхонлик қиладиган жой. Аслида кўпинча ҳувиллаб ётади.

— Болалигимдан кутубхонани энг мўътабар жойлардан бири, деб биламан. Ўқувчилик кезларим мактабга кетаётганда ҳам, қайтаётганда ҳам «Ғалаба» боғининг бир чеккасидаги бильярдхонага туташ жойдаги мўъжазгина кутубхонага бирров бўлсада кириб ўтишни яхши кўрардим. Студентлигимда жаҳонга машҳур Ленинград ва Москва кутубхоналарида бўлдим. Тошкентдаги дорилфунун ва Навоий номидаги кутубхоналарда саводимиз чиқди. Уларга бир умр бурчлиман. Лекин барибир узоқ йиллардан буён жумҳуриятимизга мансуб, замонамизга муносиб, ҳеч бўлмаса студент ва илмий ходимларни қаноатлантирадиган кутубхона йўқлигини эсласам, доимо хаёлимда бир фикр айланаверади. Илгари бу фикрни ошкора айтиш гуноҳ саналарди. Энди мумкин. Замонавий бир муҳташам кутубхона қуриш учун унинг деворига терилажак бир неча ғиштдек оғирликдаги ер ости бойлигимиз кифоя қилиши мумкин эди. Лекин шу ғиштлар ортилган замон поездининг ғилдираги ҳеч бизнинг кутубхона қуриладиган жойда тўхтамади-да. Ноумид бўлмайлик, кутубхона ҳам қурилиб қолар, яхши ният — ёрти мол. Лекин, яхши ният учун ҳам астойдил курашмоқ кераклигини унутмаслигимиз керак, шекилли. Афсуски бунга кўпинча эътибор бермаймиз.

Қўлёзмалар институти қошидаги майдонда шеърхонлик кечаларини ўтказиш мумкинлиги ҳақидаги фикрингизга қўшиламан. Бу масала мазкур тадбирнинг ташкил этилиши, уюштирилиши ва ўтказилиш даражасига боғлиқ. Москвада бир вақтлар шундай шеърхонлик кечалари ўтказиладиган хиёбонлар тингловчилар билан лиқ тўлган дейишади. Есенин, Маяковский ва бошқалар ҳали сиёҳи қуримаган шеърларини ана шундай жойларда ўқиштган экан. Шаҳримизда шундай хиёбон ташкил этилса, шеъриятнинг жонли масканига айланиши мумкин деб ўйлайман.

— Баъзи рўзнома ва жаридалар дадиллик кўрсатиб район ўрнига ноҳия, область ўрнига вилоят, республикани жумҳурият деб ёзяптилар. Кимлардир бунга эътирозлар ҳам билдиришяпти. Сизнинг фикрингиз қандай?

— Бу ишни дадилликдан кўра оддий бурчнинг бажарилиши дейиш тўғрироқ бўлар. Узоқ йиллар қантариф қўйилган хоҳишларнинг юзага чиқишидир, балки бу. Агар узоқ вақт димиқиб ўтирган ёки папирос тутуни тўлган хонадан ташқарига чиқсангиз, тоза ҳаво мўллигидан дилингиз тўлқинланиб, ҳапқириб юборганингизни сезмай қоласиз. Назаримда қайта қуриш шароитида кўпчилигимиз шу ҳолатга тушдик, ўйлайманки, яқин вақтлар ичида бунга ўрганиб ҳам қоламиз.

Саволингизга келганда шуни айтишим мумкин. Ҳамма нарсада бўлганидек, тил ҳам ҳеч қайси бир ҳодисада меъёридан ортиқликни ва сунъийликни кўтармайди. Бу аввалги даврларга ҳам, шу кунларга ҳам бирдай тааллуқли. Табиий ва меъёрда бўлган ҳодиса ва сўзгина тилда таркибий равишда яшаб қола олади. Акс ҳолда бегоналик билиниб, мўлтираб, елкасини қисгандек тураверади. Шу сабабдан сиз айтаётган жараён — унга кимдир эътироз билдирса ҳам, кимдир қўлласа ҳам, барибир — ҳадиксирайдиган ёки ортиқча хурсандталаб ҳодиса эмас. Бир-икки тўлқин кўтарилиб тушганидан сўнг, ҳамма нарса ўз ўрнини топади. Юқорида айтганимдек, Атамалар комитети бу соҳада ишни тартибга солишга ёрдам беради, деб ўйлайман.

Суҳбатдош
Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.

Ислоҳот одимлари

САҲНА САБОҚ БЕРАРКАН

Қадимий Урганч. Султон Маъмун саройи одатдагидан гавжум. Бу ерга машҳур шоиру олимлар, ёзувчи-ю табиблар ташриф буюришган. Шоҳ атрофига тўпланган фозилу уламолар яна бир янгиликнинг шоҳиди бўлишга ҳозир. Ниҳоят, шоҳ имоси билан мусиқа оҳанглари тинади.

Шоҳ Маъмун атрофидагиларга бир-бир қараб чиқар экан, кўзи Берунийга тушади: «Қадрли, Абу Райҳон! Эшитишимча, Ернинг шимол томонларида Қуёш ботмас эрмиш, уззу-кун ёруғ бўлар эрмиш. Бунинг боиси недур?»

Абу Райҳон: Шоҳ ҳазратлари! Бу муаммо фозиллар олдинда мураккаб бўлиб турғон муаммолардандур. Айримлар Ернинг ўз ўқи атрофида айланишидан вужудга келадурғон ҳодисадур деяптурлар. Толиби илмнинг бундай тахминлари ҳақиқат бўлса ажаб эрмас, бироқ илму фанда ҳар қандай тахминнинг исботсиз хулосаси бўлмағай».

Шунда сўнг даврада суҳбат янада қизийди. Али Аббос ва Ибн Синолар қизиқарли мунозараларни очиб берадилар...

С. Раҳимов районининг 219-мактабида бугун физика кечаси. Юқори синф ўқувчилари физика дарсини илк маротаба театрлаштирилган усулда ўтмоқдалар. Қизиқарлиси, бугунги дарс мавзуи «Ўрта Осиё физик олимларини ўрганиш» бўйича экан. Мактабнинг мажлислар зали ўқитувчи ва ўқувчилар билан лиқ тўлган. Саҳнада тенгдошлари Зиёдулла Авазов, Баҳодир Муталов, Уткир Эшмуродов, Феруза Қўчқорова ва Ҳушёра Шамсиевалар Ўрта Осиё олимлари ролини зўр маҳорат билан ижро этмоқдалар. Уларга тикилаётган ўқувчилар юзида мамнунлик, ҳаяжон. Нақадар таъсирчан мулоҳазалар... Бу ажойиб томошагина эмас, қизиқарли дарс ҳамдир.

Дарс ниҳоясида бир гуруҳ меҳмонларни суҳбатимизга тортдик. Улар ўзларини Ш. Ҳасанова (134-мактаб), Д. Пўлатова (139-мактаб), К. Расулова (146-мактаб), Ш. Сафоева (16-мактаб), Қ. Аскарова (165-мактаб), Г. Шосултонова ва Г. Азимова (119-мактаб) деб таништирдилар. Улардан кеча таассуротлари ҳақида сўрадик.

— Бугун спектакль ижро этган ўқувчилар орасида эҳтимол безорилик кўчасига кириб бораётганлари бордир,— дея бирин-кетин гап бошлайди физик муаллимлар. — Аммо бундай саҳнада қатнашгани ёмон йўлга киролмайди. Бу қанчалик хайрли ишлигини 219-мактаб жамоаси, «Ёш физиклар» тўгарагининг раҳбари Матлуба Эшмуродова-лар яхши англаб етишибди. Ахир театрлаштирилган бу дарс ҳам тарбия, ҳам таълим. Бу тадбирни бошқа мактабларга имкони борича тезроқ ёйиш зарур.

— Ҳеч бир мактаб буни синаб кўрмаган эди. Бугун биз болалар саҳнасидан кўп нарсани ўргандик. Шу пайтгача дарсликдан уларга сабоқ бердик. Унда нима битилган? Ахир Ўрта Осиё олимларининг билимлари дарсликларимиздан умуман жой олмаганини қандай баҳолаш керак?

— Дарсликларимизнинг ўқувчиларга бепул берилиши яхши. Лекин ўқув йили охирида у йиғиб олинади. Ўқувчи таътил пайтида китобсиз юради. Унда китобга ўз мулкидай қараш, авайлаш ҳисси қандай қилиб ҳам уйғонсин. Қадимдан уйда китоб асраш-дек одат фарзандларимизда шу туфайли йўқ бўлиб кетмаяптимикан?

— Бошқа дарсликларни кўяверинг. Астраномия китобимизда Улуғбек ва Беруний-дек олимларимиз ҳақида гап йўқ. Ахир улар эмасми астрономия фанининг чўққиси. Дарди-дийдиёмизни тўкканимиз билан натижаси бўлармиди. Шунинг учун кўнглимизда шунча гап бор экан, келинглар, мутасаддиларнинг аниқ манзилини айтайлик. Шояд бизни эшитишиб ёрдам қўлларини чўзишса.

— Ўқувчиларнинг бугунги дарсга қандай тайёрланганига ўзингиз гувоҳсиз, — дейди М. Эшмуродова. — Очиғи, бундай жозибали, таъсирчан ижро этишларига унча ҳам ишонмаган эдим. Айниқса, ўғил болаларни саҳнага чиқариш қийин бўлди. Тортинчоқликми, иккиланишми, кўпчилиги ўйнашни хоҳламасди. Бунда, албатта, менга ёрдам беришди. Жумладан, С. Раҳимов район халқ таълими ходими Икромжон Мадиев ҳамда ўқитувчилар малакасини ошириш республика марказий институти физика секторининг мудири, физика-математика фанлари номзоди Тошпўлат Усмонов ўзининг шарқ олимлари билимлари битилган сценарийси билан кўмаклашди.

219-мактабда физика дарси театрлаштириб ўтилибди, деган дув-дув гап тарқалган. Ўқувчилар эса, қани энди бошқа дарсларимиз ҳам шундай ўтса деб қувонган. Ҳа, бундай ажойиб, изланувчан муаллимлар жамоасида ҳамма фанлар бўйича бу кенг ёйилишига бемалол ишонса бўлади. Ўша куни бундан фақат шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти бехабар қолди-да! Аттанг...

Феруза ҲУСАНОВА.

Анъаналар—халқ мулки

КЕКСАЛАР БОШ БЎЛИШМОҚДА

«Қари бор уйнинг — зари бор», деб бежиз айтмаган халқимиз. Нуроний отаҳон ёки онахон яшаётган хонадонда доимо тотувлик ҳукм суради, оилада бўлсангиз ўзгача бир руҳ сезилиб туради. Ҳамза районидаги «Октябрь 50 йиллиги» маҳалласида ҳаётий тажрибага эга, турмуш қийинчиликларини бошидан кечирган кексалардан маслаҳат сўраб, иш тутиш одат тусига кирган. 24 нафар Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, 4 нафар Қаҳрамон она ҳамда фаоллар бош бўлишаётгани учун турли маросимлар ҳамжиҳатликда ўтмоқда.

— Ҳар бир байрам кўпчилик бўлиб нишонланяпти, — деди маҳалла комитетининг раиси Ж. Бобоев. — Айниқса, Наврўз айёмини алоҳида таъкидламоқчиман. Дастурхонга ҳалим ва бошқа ноз-неъматлар файз киритди. Келинчакларимиз ўз пазандаликларини намойиш этиб, ширмойдан тортиб патиргача тортиқ қилдилар. Тарих фанлари доктори, Беруний номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати Ашраф Аҳмедов йиғилганларга Наврўз ҳақида гапириб берди. Куй-қўшиқ, ўйин-кулгу, хурсандчилик анча вақтгача давом этди.

Маҳалла фаолларидан Рихсивой ота Бойматов, Восиқ ота Пирматов, Қодир ота Раҳмоновлар бир тупдан мевали дарахт экиб бердилар. Шундан сўнг ободонлаштириш ишлари бошланиб кетди. Каттаю-кичик анъанага содиқ қолиб, кўчаларнинг икки четини кўкаламзорлаштиришга киришди. Ҳозиргача 500 тупдан зиёд ниҳоллар қадалди, сув ғовлари тозаланиб, 10 та кўча асфальтланди. Жамоа район ижроия комитети томонидан ер ажратиб берилиши билан кўпчилик бўлиб 400 ўринли клуб қуришни мўлжаллаб турибди.

Р. ОРИПОВ.

БОЛАЖОНЛАР ЯЙРАШМОҚДА

Максим Горький номидаги болалар боғи кейинги пайтда кичкинтойларнинг ҳақиқий оромгоҳига айланган. Турли хил томошалар, тез-тез ташкил этилаётган спорт мусобақалари, қизиқарли ўйинлар бу ерга ташриф буюраётган болаларнинг қувончига қувонч қўшмоқда.

Ўлкамизда Наврўз айёми давом этаётган шу кунларда театрлаштирилган томошалардан бири Ҳўжа Насриддин қраннинг тепасида пайдо бўлганда томошабинлар беихтиёр ҳаяжонга тушишди.

— Ҳўжа Насриддин, осмонда нима қилиб юрибсиз, — сўрайди даврани бошқарувчи.

— Ҳа шунақа, биз осмонга чиқиб кетганмиз.

— Э, пастга тушинг. Ҳозирги қайта қуриш ва ошкоралик даврида катта ўзгаришлар бўлмоқда. Энг гўзал урф-одатларимиздан бири — Наврўз қайта тикланди.

— Не, шундай денг. Айтинг, эшагимни олиб келишсин. Наврўз байрамида бажонидил қатнашаман...

Шундан сўнг Ҳўжа Насриддин олқишлар остида пастга тушади. Баҳорой, аскиячилар, қизиқчилар, полвонларнинг чиқишлари ҳам болаларда катта таассурот қолдирди.

Боғ маъмурияти мактаб ўқувчиларининг баҳорги таътили давомида бир қанча тадбирлар уюштиришни режалаштирган.

У. ТОҲИРОВ.

СУРАТЛАРДА: болалар боғида ўтказилган томошалардан лавҳалар.

И. Ярулин суратлари.





Куюнчаклик билан ёзилган

ТОР КЎЧАДАГИ ТОМОША

Полевая кўчасининг иккинчи тор кўчасида истиқомат қилувчилар Сергели район ижроия комитети раҳбарларига ишонмай қўйдилар. Нима гап? Уларни бундай кескин фикрга келишига нима мажбур этди?

— Арзимаган ишнинг орқасидан сарсон бўлиб югураверганимиздан кейин шундай хулосага келдик, — дейди Никита Димитриевич Сараев.— Тор кўчамиз ремонтга муҳтож. Нари борса, у аранг ярим километр келади. Бироқ, шу қисқа масофани асфальт қилдириб, равон йўлга айлантириш ҳеч кимнинг хаёлига келмаяпти. Тор кўча чуқурлигида қишнинг қорли, баҳорнинг ёмғирли кунларида ҳосил бўлган кўлмак сув йўлдан фойдаланиш имкониятини бермаяпти. Район ижроқўмига шикоят билан бордик. Аммо у ердагилардан ҳеч қандай ёрдам бўлгани йўқ. Тор кўчадаги нохуш аҳвол бу йил юзага келган бўлса ҳам бошқа гап эди. Назаримда ҳовлиларимизнинг бузилиш-бузилмаслиги мавҳум бўлиб тургани учун ҳам шундай бўлаётганга ўхшайди.

Никита Димитриевичнинг куюнганича бор. Ҳозирги кунда тор кўчага қадам қўйишингиз биланоқ кичик сунъий кўлга дуч келасиз. Унинг нариги томонига ўтиш учун қилган ҳаракатларингиз зое кетади. Қўнжи узун кирза этик кийиб олмасангиз бу ишнинг уддасидан чиқаолмайсиз.

Ёғингарчиликдан ҳосил бўлган сув йўлнинг икки бетидаги ҳовлиларга ҳам кириб бормоқда. 18-уй эгалари сувни ўтказмаслик учун эшик олдига тамба қўйишдан бошқа чорани топишаолмади. Бошқа хонадондагиларга эса бундан ҳам оғир. Улар ҳар йили деворларнинг тагини қайта суваб, ремонт қилмоқдалар.

— Яқинда «Тез ёрдам»га муҳтож бўлиб қолдик, — дейди Ғиёс ака Солоҳов.—Машина келиб, кўчамизга яқин йўлай олмади. Бу аҳвол деярли ҳар ҳафтада такрорланиб туради.

Ташландиқ тор кўчадан гап очиб қолгудек бўлсангиз, онахонларнинг ҳасратларидан чанг чиқади. Буни тушуниш қийин эмас. Ахир маҳаллада яхшиёмон кунлар бор. Тўй-маъракалар бўлиб туради. Уни ўтказиш учун йўл равон, текис бўлиши зарур. Яқинда 19 ва 38-уйлардан қиз чиқарилди. Келинларнинг бири қўшнисиникидан чиққан бўлса, иккинчисини куёвининг жўралари кўтариб, кўлмак сувдан ўтказиб қўйишди.

Тор кўча туташган бош кўча яқинда асфальт қилинди. Унинг четларига ҳали чанг юққани йўқ. Аммо ночор, қаровсиз тор кўча атрофга доғ бўлиб, ўшандайлигича қолди. Район ободонлаштириш бошқармасидагиларнинг уни тартибга келтиришга, ўнглашга қўли калталик қилди.

— Бизни ҳам тушуниш керак, — дейди Сергели район ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Иноят Қипчоқов. — Тор кўчани ремонт қилиб, асфальтдан чиқариш учун маблағ керак. Маблағ планлаштирилгандан кейингина ажратилади. Пулни қаёқдан оламиз. Ахир ҳар бир шикоятчиларнинг талабини қондириш осон эмаску! Қолаверса, Сергели районида бундай ёрдамга муҳтож кўчалар оз эмас.

Тўғри, ҳолва деган билан оғиз чучимайди. Бироқ, масаланинг бошқа томони ҳам бор. Одамларнинг турмуш тарзига янгича назар билан қаралаётган ҳозирги вақтда бундай муаммоларнинг кўпдаланг қўйилишининг ўзи ачинарли. Негаки, арзимаган ишни деб аҳоли сарсон бўлмоқда. Эътироз ва шикоятлар билан юқори ташкилотларнинг эшикларини қоқиб боришаяпти. Асосий вазифаларидан чалғиб қолишмоқда. Редакциядан ёрдам сўраб ёзилган шикоят хатнинг мазмуни ҳам буни исботлаб турибди. Унга 17 та уй соҳиби имзо чеккан. Демак, шунча одам ўғай кўчага эътибор кераклигидан ҳаловатини йўқотган. Уларга қулоқ тутишга, ёрдам беришга нима халақит бераяпти экан? Бизни ана шу савол таажжублантиради. Негаки шу кеча кунда ўғай кўча ёнидаги 1-боши берк кўча асфальтдан чиқарилмоқда. Уларга топилган маблағ наҳотки 2-тор кўчани ремонт қилишга етмай қолган бўлса. Ижроқўмдагилар бунга нима дейишаркин?

Г. ТЎЙЧИЕВА,
ТошДУ талабаси,
Р. АҲМАДАЛИЕВ,
«Тошкент оқшоми» мухбири.



⊙ ТАКРОРЛАШ — БИЛИМ ОНАСИ. Низомий номидаги Тошкент педагогика институтида ёшларнинг турли фанлар бўйича олаётган билимлари амалий машғулотларда тез-тез синовдан ўтказиб турилади. Институт музика педагогика факультетининг таълим ишлари бўйича декан муовини Ҳасан Аблаев ва КПСС тарихи кафедраси ўқитувчиси Самад Тўраевлар талабалар билан навбатдаги машғулотни ўтказишяпти.

Суратказ **Х. Мирзакаримов.**

Китоб жавонингизга

Маъданнинг ҳаётбахш хизмати

Яқинларгача углерод органик оламнинг асосий элементи сифатида белгилаб келинарди. Даврий жадвалда углерод билан ёнма-ён турувчи кремний эса анорганик олам «подшоси» эди. Аммо кейинги йилларда дунё олимлари кремнийнинг органик оламдаги роли углеродникидан деярли қолишмаслигини кўрсатди. Бу ҳақда кимё фанлари доктори, профессор Қудрат Аҳмеровнинг яқинда «Фан» нашриётида чоп этилган «Кремнийнинг ҳаётбахш хизмати» рисоласида қизиқарли материаллар берилади.

Рисоладан ҳозирги вақтда фаннинг янги соҳаси — бионеорганик кимё вужудга келаётганлигини билиб оламиз. Кремний ва унинг кўп сонли бирикмалари ўсимликлар ҳосилини кўтаришда, одамларни турли касалликлардан форғ этишда, қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашда катта роль ўйнаётганлиги ҳақида сўз юритилади. Буюк аллоламиз Абу Али ибн Сино кремнийнинг бундай хусусиятларидан фойдаланиб, кремнийталаб беморларни қамиш таркибидаги эрувчан ҳолдаги шу элемент бирикмаларини ушловчи «Табошир кўлчалари» билан даволаганлиги ҳақида ҳам маълумотлар бор.

Китобчадаги тош кемириб ҳаёт кечирувчи микроблар, денгизлаги эриган тузларни ютиб, аввал ўзига қобиқ ясовчи, сўнгра унинг ичида марварид дурдоналарини яратувчи моллюскалар ҳақидаги маълумотлар кўпчиликда қизиқиш уйғотмасдан қолмайди.

Китоб ҳаммабоп бўлиб, чиройли расмлар билан безатилганлиги билан кўпчиликка манзур бўлади.

Т. АШРАФХОНОВ.

ЙЎЛИНГИЗ БЕХАТАР БЎЛСИН

Шу йилнинг 1 январидан бошлаб Тошкент шаҳар давлат автомобиль инспекциясининг диагностика станциясида шахсий автомобиллар ва муассасаларга қарашли автобуслар техник кўрикдан ўтказилмоқда. Бу тадбир шу йилнинг 31 июлигача давом этади. Диагностика станцияси ходимлари ҳар бир автомобилни янги техника ёрдамида синчиклаб кўрикдан ўтказадилар. Техник кўрикдан ўтказиш қай тарзда амалга оширилаётганлиги билан танишиш учун мухбиримиз станцияда бўлди ва станция бошлиғи, милиция капитани Даврон Умаров билан шу хусусда суҳбатлашди.

— Ўтган йили барча транспорт воситалари техник кўрикдан ўтдими?

— Ўтган йили 73702 та транспорт воситаси техник кўрикдан ўтди, шулардан 25811 таси техник жиҳатдан носоз деб топилди. Бу рақам шундан далолат беради, яъни 1988 йилга нисбатан 1989 йили 8400 тадан зиёд автомашина кўрикдан ўтказилди.

— Диагностика станциясига келувчи ҳайдовчилар учун қандай қулайликлар яратилган?

— Ҳайдовчиларнинг вақтларини камроқ олиш мақсадида карточка тўлдириш бекор қилинди. Шундай станцияларнинг сонини кўпайтиришга киришилди. Қиров ва Ҳамза ноҳияларида диагностика станцияларининг қурилиши бошлаб юборилган. Яна бири, диагностика станцияси қошида 1990 йилнинг март ойларидан бошлаб, транспорт нафақаларини тўлаш учун омонат касса очиш кўзда тутилган.

— Ойнаси қорайтирилган транспорт воситалари техник кўрикдан қай тарзда ўтказилади?

— Транспорт воситаларининг ойнасини қорайтириш учун 5727 — 83 рақамли давлат стандарти белгиланган. Ойнасининг қоралиги давлат стандартидан ошиқ бўлган транспорт воситалари техник жиҳатдан носоз деб топилади.

— Техник кўрикдан ўтмаган ва техник носоз автомобиллар йўл ҳаракати хавфсизлигида қандай таъсир кўрсатади?

— Ўтган 1989 йили Тошкент кўчаларида техник носоз транспортларнинг айби билан 13 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган, бунинг натижасида 1 киши ҳалок бўлган ва 16 киши тан жароҳати олган. Баъзи ҳайдовчилар ўз манфаатларини кўзлаб, қонунга хилоф иш қилганлар, яъни транспорт воситасини техник соғлигини кўрсатувчи давлат муҳри ўрнига қалбаки муҳрдан фойдаланганликлари маълум бўлди. Бундай қонунбузарлар сони 209 кишига етди. А. Хайтов, М. Коломинская, Р. Назарова, А. Орипова ва бошқалар шулар жумласидандир. Буларга нисбатан жиноий иш қўзғатилган.

Т. МУРОДОВ.

ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАЙДИГАН КЎРИК

Ишорага тўхтамасангиз

БАЪЗИ ҳайдовчилар «учиб» юришни яхши кўришади. Лекин кўпинча уларнинг ўзлари «учиб» кетишади. Пировардида жароҳатланади, машина пачоқланади ва ҳоказо. Бундайлар кўпинча инспекторларнинг «тўхтанг» деган ишорасига ҳам бўйсунмайдилар, светофорларнинг қизил чироғида ўтишиб, авария ҳолатини вужудга келтирадилар. Бундай қоидабузарлар СССР Олий Совети Президиумининг 1989 йил 6 февралда чиқарган Фармонининг 2-бандига мувофиқ қаттиқ жазоланадилар. Давлат автомобиль инспекцияси ходимларининг транспорт воситасини тўхтатиш тўғрисидаги талабининг ҳайдовчи томонидан бажарилмаслиги 20 сўмдан 50 сўмгача жарима солиш билан ёки уч ойгача транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Чунончи, ўтган йили ва шу йилнинг ўтган ойлари давомида қарийб 200 га яқин ҳайдовчи давлат автомобиль инспекцияси ходимларининг талабларига бўйсунишмаган. Оқибатда 87 нафар ҳайдовчи транспорт ҳайдаш ҳуқуқидан уч ой муддатга маҳрум қилинди, 58 нафар кишига эса 40 сўмдан 50 сўмгача жарима солинди. Бундай қоидабузарларнинг баъзиларини мисол тариқасида кўрсатиб ўтишни лозим топдик. Киров районининг 3-Гвардейский кўчасидаги 22-уйда истиқомат қилувчи Асад Комилов 1 январь куни Оҳангарон кўчасида светофорнинг таъқиқловчи белгисига қарамай, ўтиб кетганлиги учун жазоланди. Куйбишев районининг Кавалерский кўчаси 24-уйда истиқомат қилувчи Озод Шерматов ҳам Тошкент Ҳалқа йўлида тезликни ошириб кетаётганида давлат автомобиль инспекцияси ходимларининг тўхташ ишорасига бўйсунмаган. Сабабини суриштирганимизда, у мажлисдан кечга қолаётганлигини рўкач қилди.

Бундай қоидабузарларни белгиланган вақтда чақирилганда ГАИга келмайдилар. Натижада уларга нисбатан сиртдан чоралар кўрилади ва маълум муддатга транспортни бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинадилар.

М. ХАЛИЛОВ.

Осойишталик

Янги йилдан Фрунзе райони аҳолиси кечалари тинч ухлаб, ҳордиқ чиқарадиган бўлди. Чунки уларнинг осойишталигини нафақат милиция ходимлари, балки ГАИ ходимлари ҳам таъминламоқдалар. Хўш, бунга қандай эришилянти? Бу ҳақда Фрунзе район ГАИ бўлими бошлиғи, милиция майори Бахтиёр Эрматов қуйидагиларни гапириб берди:

— Ҳалқимизда шундай мақол бор: «Кимки ишлашни хоҳласа имконият қидиради, кимки хоҳламаса баҳона қидиради». Ана шунга амал қилиб Фрунзе райони ДОСААФига мурожаат қилдик. Улар бизга тунда мотоцикл ҳайдаб, аҳолининг оромини бузувчи безориларга қарши бирга курашишга розилик беришди. ДОСААФ мотоцикл спорти усталари Ринат Нургалиев ва Юрий Илларионовни бизнинг ихтиёримизга юборди. Ҳамкорликда ўтказилган рейд ўз самарасини берди. Йилнинг ўтган ойлари мобайнида 50 га яқин қоидабузар мотоцикл ҳайдовчилари тўхтатилиб, уларга нисбатан маъмурий чоралар кўрилди. Уларнинг орасида вояга етмаганлар, спиртли ичимлик ичиб олиб мотоцикл шовқин пасайтиргичини олиб қўйиб, кўпчиликнинг асабига тегиб юрганлар бор эди. «Алгоритм» заводининг ишчиси Юра Муликов, маршрут такси ҳайдовчиси Эрик Гильман, ўзини Решат Набиулин деб таништирган 41—79 ТНА номерли «Ява» мотоцикли ҳайдовчиси ва бошқалар шулар жумласидандир.

Афсуски, ўша кундаги рейдимизда фақат Ўзбекистон телевидениеси ходимлари ва «Прессавтоклуб» аъзолари иштирок этдилар. Аммо район комсомол комитети ходимлари рейдда қатнашишни ўзларига эп кўрмадилар.

Ҳозирги кунда йўлдан адашган вояга етмаганларни тарбиялаш район комсомол комитетининг долзарб иши бўлмоғи керак. Афсуски, комсомол бу ишдан четда қолиб келаяпти. Халқ осойишталигини таъминлаш ҳаммамизнинг ишимиз.

Ф. ЗОҲИДОВ.
«Прессавтоклуб» аъзоси.



⊙ Эсингизда бўлса, ўтган йили «Йўл ҳаракати қоидалари билимдонлари» конкурси ўтказилган эди. Шунингдек, «Энг интизомли йўловчи» конкурси ҳам жорий қилинган эди. Бу конкурсда шаҳримиздаги мактаб ўқувчилари фаол иштирок этдилар.

Т. Каримов сурати.

ҲАМКОРЛИК КУЧАЙСА

Кейинги пайтда болалар ўртасида тез-тез йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлиб турибди. Бунга кўпинча «Йўл ҳаракати қоидалари»га риоя қилмаслик сабаб бўлмоқда. Менимча, энг аввало кўчада юриш қоидаларини ота-оналар ўз фарзандларига қулоқларига қуйишлари керак. Қолаверса, мактабдагилар. Яқинда шахсан менинг кўз ўнгимда 8 ёшли қизчани машина уриб кетди. Эшитишимча, у кейин шифохонада жон берибди. Ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган фарзандларимизга ачинасан киши.

Менимча, мактабларда «Йўл ҳаракати қоидалари»ни ўқитишни кучайтириш зарур. Менинг қизим ўқиётган мактабда шаҳар ГАИси ходими Р. Гизатулина тез-тез бўлиб турарди. У болаларга «Йўл ҳаракати қоидалари»дан мунтазам сабоқ бериб келяпти. Матбуот саҳифаларида, радио ва телевидениеда ҳам унинг тартиб-интизомга чақирувчи материалларини, гап-сўзларини тез-тез ўқиб турамиз, эшитамиз, кўрамиз. Шундай жонкуярлар омон бўлсин. Бу билан нима демоқчиман: ГАИ билан шаҳар мактаблари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш керак.

А. КРОВЯКОВА,
2-Сергели даҳаси, 10-уй, 52-квартира.

Луқма

АҲВОЛ ЯХШИ ЭМАС

Шаҳримизнинг Навоий, Ш. Руставели, Энгельс кўчалари ва Халқлар дўстлиги проспектида транспорт оқими бир зум тинмайди. Аммо уларнинг кўпида транспорт воситаларининг ҳаракатини тўғри йўлга солиб турувчи — светофорларнинг аҳволи яхши эмас. Уларнинг ҳаммаси ҳам аниқ ишлаяпти, деб бўлмайди. Чилонзордаги Ал-Хоразмий — Иван Франко кўчалари кесишган чорраҳада бундан икки ой олдин ер ости коммуникацияси учун қувурлар ётқизилган эди. Қурилиш тугагач, йўл четидаги светофор чироғи йўл ўртасига ўтиб қолди. Ҳозир у транспорт ҳаракатига халақит бериб турибди. Шунингдек, Ал-Хоразмий билан Сегизбоев кўчалари кесишган чорраҳада ҳам пиёдалар ўтадиган «зебра» йўлаклари йўқ, кўчани кесиб ўтишга рухсат берувчи чироқлар кўринмайди. Ҳайдовчи ҳам, пиёдалар ҳам ўз «қоидалари» бўйича иш кўрмоқдалар. Бу эса хавфли вазиятни вужудга келтиради.

Ваҳоланки, чорраҳада трамвай бекати бор. Уй-рўзғор буюмлари магазини, 150 квартирали турар жой биноси қад кўтариб турибди. Бу ерда кўзи ожизлар яшайди. Қонда бўйича кўзи ожизлар яшовчи ва ишловчи корхоналар атрофидаги йўл ёқасига махсус йўл белгилари ўрнатилиши керак. Аммо шаҳар автомобиль инспекцияси ходимлари бунга эътибор бермояптилар.

Биргина бу эмас, балки «Шуҳрат» мактаб-магазини ёнидаги Қатортол билан Фарҳод кўчалари кесишган чорраҳа ҳам ёмон аҳволда. Бу чорраҳадан юришга ҳайдовчиларнинг юраги безиллайди. Айниқса, йўловчилар кўп бўлган вақтлари чорраҳадан ўтишнинг иложи йўқ. Светофор чироқларининг «рангли рухсатномаси» ҳайдовчи ва пиёдаларни чалғитиб, турли кўнгилсиз воқеаларга сабаб бўлмоқда.

Давлат автоинспекцияси ходимлари қоидани бузган ҳайдовчи ва йўловчидан жарима ундириб оладилар, холос. Ундан кўра баъзи йўл ва чорраҳаларга ўрнатилган белгиларнинг тўғри ёки нотўғрилигини назоратга олиб, нуқсонларни бартараф этсалар ёки светофорларнинг аниқ маромда ишлашини таъминласалар бўлмайдими? Ахир бугунги кунда йўл-транспорт ҳодисалари кўпайиб боряпти-ку. Унинг олдини олиш эса юзлаб кишиларнинг ҳаётини хавф-хатардан сақлаган бўларди.

Р. АКБАРАЛИЕВ.

КИМ ҚАРАЙДИ?

Шу кунларда қишдан чиққан шаҳар кўчалари енгил нафас олгандай туюлади, кишига. Аммо уларнинг «афтангори»га бир қаранг-а?! «Шилиниб» ётибди, сог жойи йўқ. «Баҳри» ўйилиб кетган. Айрим кўчаларда юрсангиз машинангиз тўкилиб кетаётгандай бўлади. Буларнинг ҳаммаси эътиборсизлик оқибати деб биламан. Ахир район ГАИ бўлимлари йўл назоратчилари, шаҳар йўлсозлари қаёққа қарашяпти? Ҳайдовчилар тўлаётган йўл солиқлари-чи? Қаёққа кетяпти? Наҳотки, ўйилган, чуқур жойларни ямаш шунчалик қийин бўлса?!

Афсуски, шаҳримизда қатнов талабларига жавоб берувчи бирорта кўчани кўрсатиш қийин. Кўпгина аварилар ана шу йўлларнинг носозлиги туфайли бўлаётгани ҳам бизга сир эмас. Уста Олим кўчаси, С. Раҳимов кўчаси. Уста Ширин, Усмон Юсупов, Энгельс кўчалари, Халқлар дўстлиги проспекти ва бошқа қатор кўчаларда юриш учун асаб керак. Тошкент Ҳалқа йўлининг Чимкент трассаси билан кесишган ГАИ пости ёнида Юнусобод томонидан келишда ўнг томонда каттагина ҳандақ пайдо бўлганига бир йил бўлиб қолди. У ҳозир анчагина катталашган. Лекин уни тузатиш ҳеч кимнинг парвойига келмайди.

Агар шаҳар йўлларига муносабат шу тарзда давом этса, вақтида жорий ремонт қилинмаса, ҳадемай мутлақо капитал ремонтга муҳтож бўлиб қолади. Ваҳоланки, йўл солиғи икки баробар ошди. Лекин самараси қани? Ахир йўлнинг эгаси, қаровчиси борми ўзи?

Р. ЛАТИПОВ,
Маҳмудов кўчаси, 22-уйда истиқомат қилувчи.

Билимдонлар диққатига



ОДАТДАГИДЕК бу йил ҳам «Йўл ҳаракати қоидалари» билимдонлари конкурси давом этади. Биз қуйида билимдонлар эътиборига навбатдаги топшириқни ҳавола этамиз.

⊙ Автобус йўловчилар ўтиш жойида тўхтаб қолди. Бу эса ёнида турган автомобиль ҳайдовчиларидан қандайдир чора кўришни талаб этадими?

1. — Ҳа.
2. — Фақат Б ҳайдовчидан.
3. — Йўқ.

Жавобларингизни кутамиз.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ДИҚҚАТ!

Иссиқлик тармоқлари ва иситиш системаларининг белгиланган ҳароратга чидамлилигини синаш мақсадида иситиш тармоқларида сувнинг иссиқлик ҳарорати кўтарилади ҳамда соат 8.00 дан то 23.00 га қадар қуйидаги районларда

ИССИҚ СУВ ТАЪМИНОТИ ТЎХТАТИЛАДИ:

3 апрель — Високовольтний даҳаси, ТашГРЭС мавзеси, Интернационал, Наманган, Ж. Обидова, Мўминов кўчалари, Академиклар шаҳарчаси, Горький проспекти (қисман), Эргашев, Новомосковская, Пушкин, Догистон, Генерал Петров, Луначарский шоссеси, Комсомол 40 йиллиги, Тимирязев, Володарский, Троллейная, Ф. Хўжаев (қисман). Чилонзўр даҳасининг 5 дан то 12-кварталигача 16 дан то 20, 20 «а» 26-кварталигача, Сегизбоев кўчаси Дўмбиробод, Қизил-Шарқ, «Оқтепа» ва «Алгоритм» (қисман) даҳаларида.

4 апрель II-Северовосток (Шимоли-Шарқ), Қорасув, Черданцев турар жой даҳаларида, Бинокор кўчаси, Геофизик посёлкаси, М. Горький проспекти (қисман). Марказ-10, 11, 14, 26, 27, 28 да, Беруний кўчаси, Б-1, Б-3, Чорсу, Бешёғоч, Халқлар дўстлиги майдони, Космонавтлар, Ленин, Ўзбекистон проспектлари, Генерал Узоқов, Ғафуров, Фурқат, Абай, Навоий, Пахтакор, 5 декабрь 9 январь, Уйғур кўчалари, Охунбобоев майдони.

5 апрель — Юнусобод даҳаси, Энгельс, Шаҳристон, Металлист, Қорасарой, Шамсутдинов, Абдураҳмонов, Катта Олмазор, Марказ—12, 13, 17, 18-кварталлари.

Граждалар ва транспорт ҳайдовчиларининг эътиборига сув қувурларининг зарарланиши ҳамда иссиқ сув тошиш эҳтимоли борлигини маълум қиламиз.

Юқоридаги районларнинг болалар муассасалари ва даволаш масканларида марказий иситиш системалари ва вентиляциялар ўчирилади.

Маълумотлар олиш учун телефон 33-32-32.

ТОШКЕНТ ИССИҚЛИК ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИ.

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

17, 18, 19 АПРЕЛЬ СОАТ 17.00 ВА 20.00 ДА

«КАМОЛОТ-89» конкурсининг ғолиблари

МУҲРИДДИН ХОЛИҚОВ ВА ОХУН МАДАЛИЕВ ИШТИРОКИДА

ДЎСТЛАР КУЙЛАГАНДА ВА КУЛДИРГАНДА

КОНЦЕРТИ

Касса соат 11.00 дан 19.00 гача ишлайди.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 45-93-63, 44-18-12.

Ўзбекистон ССР Маданият нозирлиги
М. ҚОРИЕҚУБОВ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ
В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

16 апрель соат 19.30 да

УСТОЗ ВА ШОГИРД САНЪАТИ

Ўзбекистон ССР халқ артисти, Туркманистон ССРда хизмат кўрсатган артист
Бобомурод ҲАМДАМОВнинг
30 ЙИЛЛИК ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИГА БАҒИШЛАНГАН

КОНЦЕРТ

ПРОГРАММАДА:
«ЛАЗГИ» ВОКАЛ-ХОРЕОГРАФИК АНСАМБЛИ
хонандалар: **Каримбой РАҲМОНОВ, Ўктам АҲМЕДОВ, Қодир ЖЎРАЕВ** иштирок этадилар.
Программани Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.
Билетлар СССР Халқлари дўстлиги саройи кассаларида соат 11.00 дан сотилади.

«ЗАРЯ» ФИРМАЛИ МАГАЗИНИ
КЕЛАСИ ҚИШ МАВСУМИГА ПАЛЬТО ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Бу пальтолар ёши 30 дан ошган, нисбатан тўладан келган аёлларни албатта қизиқтирса керак. Уларга одми рангдаги асл газламалардан тикилган, классик услубда тўғри бичилган астарли ва астарсиз пальтолар таклиф этилади. Улар кул ранг ва жигар ранг. Астарсиз пальтонинг қатлари бир ёқлама ва икки ёқлама, чўнтаклари ўйилган. Қишки астарли пальто қундуз ёқали, енглари реглан.



1495 моделидаги пальтонинг бўй-басти — 54 дан 60 гача, иккинчи рост, баҳоси 280—310 сўм; Р310 моделидаги пальтонинг бўй-басти — 54 дан 60 гача, иккинчи ва учинчи рост, баҳоси 140 сўмдан 200 сўмгача, 1107 моделидаги пальтонинг бўй-басти 62 дан 64 гача, иккинчи ва учинчи рост, баҳоси 140—150 сўм.

Магазиннинг иш вақти соат 10 дан 19 гача, танаффус соат 14 дан 15 гача, дам олиш куни — якшанба.

Магазин макони: Космонавтлар кўчаси, 41. Транспорт: 57-автобус, метронинг «Ойбек» станцияси.

«ЗАРЯ» ФИРМАЛИ МАГАЗИНИ.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

ТОШКЕНТ МАШИНАСОЗЛИК КОНСТРУКТОРЛИК БЮРОСИ

иқтисод ва бошқариш ишлари бўйича раҳбар ўринбосари вазифасига

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурсда олий иқтисодий маълумотга эга бўлган ва илмий ёки конструкторлик ташкилотларида мутахассислиги бўйича ишлаганлар қатнашиши мумкин.

Қўшимча маълумотлар олиш учун 33-70-84 телефони орқали мурожаат қилинсин.

Тошкент шаҳар Акмал Икромов районидаги В. И. Ленин номли 116-ўрта мактаб томонидан **Абдуллаев Ҳаётилла Рихситуллаевич** номига берилган 259028 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент область Оржоникидзе районидаги 32-ўрта мактаб томонидан **Сафаков Эркин Юлдашевич** номига берилган 446682 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар Фрунзе районидаги 6-кечки мактаб томонидан **Хасанов Зиёдулла Суннатуллаевич** номига берилган Д 082311 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 3/IV да **Зебуннисо**, 4/IV да **Боғчасарой фонтани.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 3/IV да **Жар** (19.30), 4/IV да **Пуч** (19.30).

КИНО

2 АПРЕЛДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «ҚОРА ШАҲЗОДА» (катта зал, 18.30, 20.40); «ҚОРА ШАҲЗОДА» (кичик зал, 17, 19.30).

Чайка — «ЛИФТНИНГ ЧАП ТОМОНИДА», «ҚОЧИШ» (17.30, 20.45).

Москва — «ҚЎРИШГУНЧА ХАЙР, БОЛАЛАР» (19, 20.40).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ТАНҲО ЎЗИ» (18, 21.00).

Восток — «СЕВИМЛИ РОЖА» (18.30, 20.45).

К. Ерматов номли — «ҚАСОС ВА ҚОНУН» (18.30, 21.00).

3, 4, АПРЕЛДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «ҚОРА ШАҲЗОДА» (катта зал, 11, 13.30, 16, 18.30, 20.40); «ҚОРА ШАҲЗОДА» (кичик зал, 12, 14.30, 17, 19.30).

Чайка — «ЛИФТНИНГ ЧАП ТОМОНИДА», «ҚОЧИШ» (11, 14.15, 17.30, 20.45).

Москва — «ҚЎРИШГУНЧА ХАЙР, БОЛАЛАР» (11, 15, 19, 20.40).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ОҚ СУЯК» (11, 13, 15, 16.30), «ТАНҲО ЎЗИ» (18, 21.00).

Восток — «СЕВИМЛИ РОЖА» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).

К. Ерматов номли — «ҚАСОС ВА ҚОНУН» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитети жамоаси инспектор Р. О. Неъматуллаевага отаси

Олимжон Ҳаннмович ҲАКИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

М. Қориёқубов номли Ўзбек давлат филармониясининг ижодий жамоаси Ўзбекистон ССР халқ шоири

Туроб ТЎЛАнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент политехника институти жамоаси патент бўлими бошлиғи Ш. Шокамоловга отаси

Шокамол ШОАКБАРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.



ОЖИЗЛАР КУЧЛАРИНИ НАМОЙИШ ЭТИШЯПТИ

Италияда бўлиб ўтган мусобақаларда хотин-қизлар ким энг оғир тош кўтариши бўйича ўзаро беллашдилар. Италиялик йигирма икки ёшли Моника Палья ғолиб деб топилди. Моника вазни 65 килограмм, бўйи 181 сантиметр бўлишига қарамай оғирлиги 170 килограмм бўлган штангани даст кўтарибди.

ЗЗГУЛИКНИНГ КЕЧИ ЙЎҚ

Кастилиянинг қариялар уйида истиқомат қилувчи 89 ёшли испаниялик мўйсафид ўқиш ҳеч қачон кеч эмаслигини яна бир бор тасдиқлади. У етуклик гувоҳномасини олиш учун имтиҳонларни муваффақиятли топширди. Унинг ер юзидаги энг кекса ўрта мактаб битирувчиси бўлиб қолганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас.

ФАҚИР КИШИ ПАНАДА

Вашингтонда эшигининг олдига «Уйсизлик ва босма ишлар бюроси» деб ёзилган, кўпчилик эътиборини жалб этмайдиган бир бино бор. Ўткинчилар унга парво ҳам қилишмайди. Чунки Қўшма Штатларда камдан-кам одам мазкур муассаса нималар билан шуғулланишидан хабардор. Ваҳоланки, кўримсиз девор ортида АҚШнинг танга зарб этиш корхонаси жойлашган. Бюрога кириб-чиқиладиган барча эшикларни, деразаларни ва ички хоналарни 400 телевидение камераси ҳушёрлик билан кузатиб боради.

АФСУНГАРЛАР АНЖУМАНИ

«Магналес Шаривари» — Чехословакиянинг машҳур Карлови-Вари курорт шаҳрида замонавий афсунгарликнинг ана шундай деб номланган фестивали очилди. Фестиваль мезбонларидан ташқари бу ерда жаҳоннинг кўпгина мамлакатларидан ташриф буюрган юзга яқин профессионал ва ҳаваскор афсунгарлар ўз маҳоратларини намойиш этадилар. Уларнинг орасида Венгрия, ГДР, Польша, Совет Иттифоқи, Югославия, Италия, Норвегия ва Австриядан келган кўзбойламачилар бор. АҚШдан ташриф буюрган икки машҳур афсунгар — Боб Браун ва Поль Даймоднинг чиқишларини якунига кўра «Афсунгарлик маликаси» ва «Афсунгарлар қироли» аниқланади.

Муҳаррир ўринбосари С. Б. ЁҚУБОВ.

Тошкент шаҳар, Фрунзе районидаги 73-ўрта мактаб томонидан **Ҳамдамов Жамшид Аббасович** номига берилган Г № 300443 номерли йўқолган.

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар Ҳамза районидаги 198-ўрта мактаб томонидан **Юльчнев Эльёр Хасанович** номига берилган Д 357311 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«Вечерний ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Яшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

Р. 04178.
Тиражи 139.200. Индекс 64690. Д—2201.
1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.